



Fidoyilik —  
Vatanga xizmat demak!

2022-yil 1-oktabr, shanba,  
114-115 (23.681-23.682)-son

**КУН  
ҲИКМАТИ**

Барча жабҳада  
илм, билим ва  
салоҳият сув билан  
ҳаводек зарур.  
Ҳар қандай давлат  
фақатгина шу  
асосда тараққиётга  
эришади

1913-yil aprel oyidan chiqa boshlagan



www.zarnews.uz



https://www.facebook.com/zarnews.uz



@zarnews\_uz



https://twitter.com/zarnews\_uz

# ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

## Муҳтарам устоз ва мураббийлар! Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда ўз ҳаётини дунёдаги энг машаққатли ва шарафли ишга бағишлаб келаётган барча Ўзбекистон педагогларини ўқитувчи ва мураббийлар кунини умумхалқ байрами билан самимий муборакбод этаман.

Биз устоз зотини азалдан отадай улуг деб биладиган, ҳамisha бошига кўтариб эъзозлайдиган маърифатпарвар халқ фарзандларимиз.

Ҳар бир инсон ҳаётда қандай ютуққа эришган бўлса, уларда қадрдон ўқитувчи ва устозларнинг беқиёс ҳиссаси борлигини умрбод миннатдорлик билан эслайди.

Шахсан мен ўқитувчи деганда – замон билан ҳамқадам бўлган жонқур, зиёли шахсни, мактаб деганда – билим ва маърифат ёғдуси таралиб турадиган, Учинчи Ренессанс пойдевори кўйиладиган табаррук маскани кўз олдимга келтираман.

Биз, ота-оналар ўзимизнинг энг катта бойлигимизни – азиз фарзандларимиз келажагини сиз, муҳтарам устозлар кўлига ишониб топширганмиз. Шу маънода, буюк шоиримиз Абдулла Ориповнинг: **"Сиздан бошланади асли тафаккур"**, деган сўзларида теран ҳаётий ҳикмат бор.

Бугунги кунда фидойи устоз ва мураббийларнинг эзгу хизматлари тўғрисида ёшларимиз хар томонлама баркамол бўлиб вояга етаётгани, фан ва техника, маданият ва санъат, спорт соҳаларида қандай катта марраларни кўлга киритаётгани барчамизга чексиз қувонч бахш этади.

Шу борада биргина мисол келтирмакчиман. Ўтган ўқув йилида ёшларимиз халқро ва минтақавий фан олимпиадаларида 45 та олтин, кумуш ва бронза медалларни кўлга киритгани таълим соҳасидаги ислохотларимиз самарасига яна бир далилдир.

Барчамизга аёнки, **муаллимнинг обрў-эътибори – бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир.** Шу боис биз кейинги йилларда ўқитувчи ва мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотларни амалга оширмакчимиз.

Педагог ҳодимларни мажбурий меҳнат ва турли жамоатчилик ишларида жалб қилиш ҳолатларига чек қўйилгани, таълим муассасаларида қоғозбозликка барҳам берилаётгани бугун ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда.

Олис ҳудудлардаги мактабларга дарс бериш учун жалб этилган юқори тоифали ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш тизими йўлга қўйилгани бу борадаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда фарзандларимизни гўдаклик давридан то камолот ёшига қадар хар томонлама кўйлаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрнини топишига хизмат қиладиган улзуксиз ва самарали тизим яратилмоқда.

Хусусан, кейинги 6 йилда мактабга таълим ташкилотлари сони 5,5 баробар кўпайиб, 28 мингдан ошгани ва қамров даражаси 70 фоизга етгани айниқса, эътиборлидир.

Шу ўринда, 2022–2026 йилларда халқ таълими тизимини ривожлантириш бўйича Миллий дастур қабул қилингани, мактаб таълимини ислоҳ қилиш бўйича Миллий кенгаш ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Айни вақтда Ўзбекистон тарихида биринчи марта бошланғич синфларда фанларни ўзлаштириш даражасини аниқлайдиган нуфузли халқро баҳолаш дастурлари йўлга қўйилди.

Жорий йилда давлат бюджети ҳисобидан барча замонавий шарафларга эга 51 та янги мактаб бунёд этилди. Шунингдек, 1660 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, 119 мингдан ортиқ ўқувчи ўрни яратилди.

Шу билан бирга, 465 та мактаб учун кўшимча ўқув бинолари, 115 та спорт зали ва майдончалари барпо қилинганини қайд этиш лозим. Таълим масканларига 35 мингдан зиёд кўшимча ўқув жиҳозлари тўплами етказилиб, 1 минг 900 га яқин мактабнинг инфратузилмаси тубдан янгиланди. 2,5 мингдан зиёд синфхона 31 мингта замонавий компьютерлар билан таъминланди.

Янги ўқув йилидан бошлаб республикамиздаги 137 та мактабда инклюзив синфлар ташкил этилиши натижасида ногиронлиги бўлган юзлаб болаларнинг фаол билим олишига шaroит яратилди.

Ўқитувчиларнинг билими ва касбий маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ана шундай чора-тадбирлар тўғрисида кейинги бир йилда малака тоифасига эга муаллимлар сони 300 мингдан ошгани таълим сифатида ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Айни пайтда мактаблар учун замонавий ўқув дастурлари ва дарсликлар яратиш бўйича ЮНИСЕФ, ЮСАИД халқро ташкилотлари билан

ҳамкорликда, АҚШ, Буюк Британия, Япония, Жанубий Корея, Финляндия каби ривожланган давлатларнинг тажрибали экспертлари иштирокида кенг қамровли изланишлар давом эттирилмоқда.

Кейинги йилларда юртимиздаги янги олий ўқув муассасалари сони қарийб 2,5 баробарга кўпайиб, 186 тага етказилгани, қабул квоталари 3,5 баробар ортгани олий таълим тизимини ривожлантиришда гоят муҳим роль ўйнамоқда. Бу ўринда соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадида 42 та нодавлат олий ўқув юрти ташкил этилгани, хорижий олийгоҳлар филиаллари сони эса 31 тага етганини алоҳида қайд этишни истар эдим.

### Азиз юртдошлар!

Барчангиз яхши хабардорсиз, биз таълим тизимини янада ривожлантириш масаласини Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси доирасида амалга оширадиган энг асосий вазифаларимиздан бири сифатида белгилаб олганмиз.

**Бизнинг мақсадимиз – Янги Ўзбекистоннинг мактаб битирувчиси замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган, дунёқарashi кенг шахс бўлиб шаклланиши зарур.**

Бу эзгу мақсадга эришиш учун мактабларнинг ўқув дастурлари, ўқитиш услуби, дарсликлар мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш бўйича бошлаган ишларимизни албатта, мантаний яқунига етказамиз.

Барча ҳудудларимиз, айниқса, қишлоқ жойларда мактаблар қуриш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масалаларига устувор аҳамият қаратамиз.

Ўқитувчи ва домлалар, тарбиячи ва мураббийлар, илм-фан соҳаси ҳодимлари учун муносиб шарoит яратиш, уларнинг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, моддий таъминотини яхшилаш борасидаги ишларимиз янги босқичга қўтарилади.

Имконияти чекланган болалар учун инклюзив таълимни хар томонлама ривожлантираман.

Ҳаммамиз гувоҳимиз, бугун таълим-тарбия тизими бутун жамиятимиз, халқимизнинг диққат-эътиборида турибди. Соҳадаги хар бир ўзгариш юрtdошларимиз ўртасида қизгин кўпроқамаларга сабаб бўлмоқда.

Биз бундан буён ҳам халқимиз билан маслаҳатлашган ҳолда, жамoатчилик фикрини атрофлича таҳлил қилиб, эришган ютуқларимизни мустаҳкамлаш, йўл қўйилган хато ва камчиликларни тузатиш йўлидан борамиз.

Ҳеч кимга сир эмас, бугун дунё шafқатсиз рақобат майдонига айланган. Барча соҳаларда қандай кейсин кураш кетаётганини хар биримиз кўриб турибмиз.

Ҳозирги замонда ҳамма жабҳаларда илм, билим ва салоҳият сув билан ҳаводай зарурлиги, хар қайси давлат фақатгина шу асосда тараққиётга эришиши, содда қилиб айтганда, инсон билан қучидан кўра илм қучи билан кўпроқ даромад ва обрў-эътибор топиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Биз даврнинг мана шундай ўткир талабларидан келиб чиққан ҳолда, юртимизда ихтисослаштирилган мактабларнинг мутлақо янгича тармоғини ташкил қилдик. Ёшларни замонавий касб-ҳунарларга ўргатадиган юзлаб масканлар, IT-парклар бунёд этмоқдамиз.

Мана, буюк аллома бобомиз Абу Райҳон Беруний таваллудининг 1050 йиллигини халқро миқёсда кенг нишонлаш бўйича қарор қабул қилдик. Хоразмда шонли аждодимиз Мўхаммад Хоразмий номида янги шаҳарча қуришга киришдик.

Буларнинг барчасидан кўзлаган мақсадимиз битта. У ҳам бўлса, Янги Ўзбекистоннинг янги берунийлари, янги хоразмийлари, ибн синолари ва фарғонийларини камолга етказиш, шу орқали жонажон Ватанимизни дунё миқёсда ривожланган, тинч, эркин ва фаровон мамлакатга айлантиришдан иборат.

**Сиз, азиз устоз ва мураббийлар бугун мана шундай ўта масъулиятли жабҳада том маънода тарихий миссияни адо этмоқдасиз. Чунки Ватан ва халқ манфаати учун мардона курашадиган, ўзининг қатъий ҳаётий позициясига эга, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшларни тарбиялаш – ҳақиқатан ҳам гоят эзгу ва улуг вазифадир.**

Барчангизга шу шарафли йўлда олиб бораётган олижаноб фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда янги ютуқ ва омадлар тилайман.

Хонадонларингизга доимо тинчлик-хотиржамлик, файзу барака ёр бўлсин!

Ҳамisha соғ-омон бўлинг, азиз устоз ва мураббийлар!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



# МУАЛЛИМНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИ МИЛЛАТНИНГ, ХАЛҚНИНГ ОБРЎ-ЭЪТИБОРИДИР

Самарқанддаги "Буюк ипак йўли" халқро туристик мажмуаси Конгресс марказида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

Яқинда ўн тўрт давлат етакчилари иштирокидаги йирик халқро форум – Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитига мезбонлик қилган ушбу мажмуада иккинчи нуфузли тадбир – устозлар байрамнинг нишонланиши юртимизда таълим соҳаси вакиллари қай даражада эътибор ва эҳтиромда эканлигини яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган фидойи ўқитувчи ва мураббийлар Самарқандда муносиб кўтиб олинди. Уларга мазкур халқро марказдаги замонавий меҳмонхоналарнинг азиз меҳмонлари сифатида алоҳида иззат-икром кўрсатилди.

Маросим олдидан меҳмонлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бунёд этилган мажмуада яратилган имконият ва шарoитлар билан танишди. Халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳияти, маданияти, бир неча минг йиллик аънава ва қадриятлари, миллий хунарманчилик меросини ўзида акс эттирган "Боқий шаҳар" мажмуаси меҳмонларга манзур бўлди.

– Ватанимиз мустақиллигининг 31

йиллиги арафасида Президентимиз иштирокида тантанали очилган ушбу мажмуани телевизорда кўриб, ҳавасим келганда, – дейди Хоразм вилояти Гурлан туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори, Ўзбекистон Қаҳрамони Анора Маҳмудова. – Кейин дунё аҳли эътибори марказида бўлган ШХТ Самарқанд саммити ҳам берда жуда юксак савияда ўтганини кўриб, ҳавасим ҳайратга айланди, қалбимда жуда катта фахр, ифтихор туйдим. Хурматли Президентимизнинг биз – ўқитувчиларга бўлган самимий муносабатлари, ҳурматлари ифодасини қарангки, касб байрамимиз бугун ушбу қўтулғ маскандан нишонланмоқда. "Буюк ипак йўли" маркази Янги Ўзбекистонимизга муносиб замонавий мажмуа бўлибди.

Конгресс марказида юртимизнинг турли ҳудудларидан келган энг фидойи, захматқаш ўқитувчи ва мураббийлар, соҳа фахрийлари ва ёшлар жам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг байрам муносабати билан мамлакатимиз ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган табригини Президент матбуот котиби Ш.Асодов ўқиб эшиттирди.

Табриқда таъкидланганидек, муаллимнинг обрў-эътибори – бу аввало, миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир. Шу боис кейинги йилларда ўқитувчи ва

мураббийларнинг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, таълим тизимини замон талаблари асосида ташкил этиш бўйича улкан ислохотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 28 сентябрь кунини қабул қилинган фармонига кўра, бир гуруҳ фидойи ўқитувчи ва мураббийлар давлатимизнинг фахрий унвон, орден ва медаллари билан тақдирланди.

Байрам тадбирлари Олий Мажлис Сенати Раиси Т.Норбоева ушбу мукофотларни ўз эгаларига топширди.

– Бугунги кунда мактабимизда 250 нафардан ортиқ ёшлар касб-ҳунар ўрганмоқда, – дейди Самарқанд шаҳридаги имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар мактаби тарбиячиси, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси Нигора Мардонова. – Уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шaroит ва имконият яратилган, кўплаб имтиёзлар берилган. Биз бу имкониятлардан фойдаланиб, уларга тўғри йўл кўрсатишга ҳаракат қилаямиз. Ушбу мукофотни мактабимизнинг барча ўқитувчилари меҳнатига берилган юксак баҳо деб биламан.

## Вилоят ҳокимлигида Ўқитувчи ва мураббийлар кунини муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди.

Вилоят ҳокими Э.Турдимов таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган самарқандлик устоз ва мураббийларни касб байрами билан табриқлади. Заҳматли ва шарафли касбда фидойилик билан меҳнат қилиб, юртимиз келажаги бўлган ёш авлодни маънан ва жисмонан баркамол этиб вояга етказиш йўлида куч-ғайратини аямай, касбга садоқатини намoён қилиб келаётган педагоглар хизматлари эътироф этилди. Президентимизнинг кунини кеча қабул қилинган фармонига кўра, беш нафар самарқандлик устоз ва мураббийлар давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани қайд этилди.

Тадбирда таълим тизимини янада оширади, – дейди Самарқанд шаҳридаги 64-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчи, Халқ таълими аълочиси Наргиза Холматова. – Касб байрамимиз арафасида вилоят ҳоким-



тақдирланди.

– Эътироф, эътибор касбга бўлган масъулиятни янада оширади, – дейди Самарқанд шаҳридаги 64-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчи, Халқ таълими аълочиси Наргиза Холматова. – Касб байрамимиз арафасида вилоят ҳоким-

лиги томонидан кўрсатилган эътибордан куч-ғайрат олиб, ёшлар таълим-тарбиясига янада масъулият билан ёндашиб, уларни юртимиз раънақига муносиб ҳисса қўшадиган баркамол авлод қилиб тарбиялаймиз. Таълим соҳасидаги ўттиз йиллик тажрибам, соҳада

эришган ютуқларим тўғрисида вилоят миқёсда миллий таълим дастури бўйича тренер ўқитувчи ҳисобланаман. Бу йўналишда ҳам ёш ўқитувчиларга "устоз-шоғирд" аънараси бўйича касб сирларини ўргатиб, соҳа ривожига ўз ҳиссамни қўшаман.



# ОИЛАВИЙ НИЗО НЕГА ЖИНОЯТГА АЙЛАНАДИ?

**Оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида содир этилаётган ҳар бир оғир ва ўта оғир жиноятни юзага келтираётган сабаб ва шарт-шароитларни ўрганиш ҳамда тегишли тақлифларни тайёрлаш мақсадида Олий Мажлис Сенатининг Ишчи гуруҳи аъзолари Самарқанд вилоятида ўрганишлар олиб борди.**

Парламент юқори палатасида жорий йил 5 августда Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти тингланган. Мухокама давомида Сенат аъзолари мамлакатимизда оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларни ўрганишга қарор қилишган. Ўрганишда жиноятларни юзага келтираётган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, тегишли тақлифларни тайёрлаш мақсади белгиланган. Шу боис Парламент юқори палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Бурхонов бошчилигида Ишчи гуруҳ тўзилди.

Парламент юқори палатасида жорий йил 5 августда Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти тингланган. Мухокама давомида Сенат аъзолари мамлакатимизда оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларни ўрганишга қарор қилишган. Ўрганишда жиноятларни юзага келтираётган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, тегишли тақлифларни тайёрлаш мақсади белгиланган. Шу боис Парламент юқори палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Бурхонов бошчилигида Ишчи гуруҳ тўзилди.

Парламент юқори палатасида жорий йил 5 августда Ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати тўғрисидаги ахбороти тингланган. Мухокама давомида Сенат аъзолари мамлакатимизда оила-турмуш доирасидаги низолар оқибатида содир этилаётган оғир ва ўта оғир жиноятларни ўрганишга қарор қилишган. Ўрганишда жиноятларни юзага келтираётган сабаб ва шарт-шароитлар аниқланиб, тегишли тақлифларни тайёрлаш мақсади белгиланган. Шу боис Парламент юқори палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қ.Бурхонов бошчилигида Ишчи гуруҳ тўзилди.

Гуруҳ таркибига Бош прокуратура, Ички ишлар, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг масъул ходимлари киритилган.

Гуруҳ таркибига Бош прокуратура, Ички ишлар, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг масъул ходимлари киритилган.

Гуруҳ таркибига Бош прокуратура, Ички ишлар, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирликлари, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси ҳамда Ёшлар ишлари агентлигининг масъул ходимлари киритилган.

Жорий йил 28 сентябрь куни мазкур ишчи гуруҳ Тойлоқ туманида бўлиб, оила-турмуш доирасида содир этилган оғир жиноятнинг

келиб чиқиш сабабларини туман идоралари раҳбар ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида танқидий муҳокама қилди.

келиб чиқиш сабабларини туман идоралари раҳбар ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида танқидий муҳокама қилди.

Жорий йил 28 сентябрь куни мазкур ишчи гуруҳ Тойлоқ туманида бўлиб, оила-турмуш доирасида содир этилган оғир жиноятнинг

келиб чиқиш сабабларини туман идоралари раҳбар ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида танқидий муҳокама қилди.

келиб чиқиш сабабларини туман идоралари раҳбар ходимлари, маҳалла фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирокида танқидий муҳокама қилди.

# МАҚСАД - АЖРАТИЛГАН МАБЛАҒЛАРДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ

**Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 10 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ҳамда бошқа давлат дастурлари ижроси устидан назоратни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қонунчилик ижроси устидан назорат қилишнинг янгича тизими жорий этилди.**

стури доирасида 32 та маҳалла ва кишлоқ учун ажратилган 446,1 миллиард сўм маблағ эвазига 1026 та объектда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилиб, бугунги кунда 70 миллиард сўм молиялаштирилди.

Худудий штаб ўзининг устувор фаолиятини қурилиш соҳасидаги қонунбузилишларни аниқлаш ва унинг оқибатлари билан курашишга эмас, балки бу борадаги содир этилиши мумкин бўлган жиноий хатти-ҳаракатлар ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратиб, хато-камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга йўналтириб келмоқда.

Мазкур жараёнда ҳар бир лойиҳанинг асослиги ўрганилиб, лойиҳа ҳужжатларига 230 ҳолатда ортиқча ёки заруриятсиз киритилган 58,5 миллиард сўм маблағ мақбуллаштирилди.

Хусусан, Пайариқ туманидаги 59-сонли умумтаълим мактабининг реконструкция қилиш бўйича “Самқадар” МЧЖ томонидан 1 миллиард 420,4 миллион сўмга ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатларида ораёпма плиталар сони ошириб кўрсатилиши натижасида объект қиймати сунъий равишда 119,7 миллион сўмга кўпайган. Ургут туманидаги 121-мактабнинг фасад қисми сувоқ ишларида 47 миллион сўм ва Каттақўрғон шаҳридаги 11-мактабнинг реконструкция қилиш объекти сметасида материал харажатларига 206 миллион сўм ортиқча харажатлар кўрсатилганлиги аниқланиб, бартараф этилди ҳамда муқаррар жиноятларнинг олди олинди.

Шунингдек, вазибаларнинг жойлардаги ижроси аҳоли, муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида вилоят штаби раҳбари бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан барча ҳудудлар ўрганиб чиқилди. Худудлардаги вазият ҳамда дастурлар ижроси масъул ходимлар иштирокида муҳокама қилиниб, вазибаларнинг лозим даражада бажармаган ва қонун бузилишига йўл қўйган 42 нафар масъуллар интизомий, 197 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди, қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 17 та жиноят иши қўзғатилди ва жиноят оқибатида етказилган 3 миллиард 878 миллион сўмлик зарар ундирилди.

Мисол учун, “Обод қишлоқ” дастури доирасида “Qobil Quruvchi Servis” МЧЖ томонидан Паст Дарғом туманидаги 21-мактабда олиб борилган қурилиш-монтаж ишлари давомида 587,2 миллион сўм маблағ талон-торож қилинганлиги ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суднинг ҳукми билан айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди ва етказилган зарар тўлиқ ундирилди.

Қурилиш сифати ва иш ҳажмларининг тўлиқ бажарилиши ўрганилиб, 124 ҳолатда сифатсиз бажарилган 1,673 миллиард сўмлик ҳамда 69 ҳолатда ҳисоботларга қўшиб ёзилган 1,725 миллиард сўмлик ишлар бартараф этилиши орқали келиб чиқиши мумкин бўлган

ҳуқуқбузарликларнинг олди олинди. Объектлар пудратчисини танлашдаги коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида пудратчиларнинг рейтингини ҳаққоний тарзда, инсон омилсиз аниқлаш ва тендер ўтказишда адолатли рақобат муҳитини таъминлаш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқирилиб, ҳукумат томонидан ушбу тақлифлар амалиётга татбиқ этилди.

Қурилиш ишлари амалга оширилиши кўзда тутилган барча объектлар пудратчиларининг “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимидаги электрон тендер савдолари орқали танланиши, қурилиш-таъмирлаш жараёнларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилмаслиги, қурилиш ишларида муаллифлик, техник ва давлат назорати олиб борилишини таъминлаш ва аниқланган камчиликларни ҳақида штабга ахборот бериб бориш тизими йўлга қўйилган.

Бирок ўрганишда вилоятдаги 11 та қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан статистика, солиқ, бандлик ва бошқа идораларга сохта ҳисоботлар топширилиши оқибатида, “Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизими орқали ўтказилган 27 та тендер савдоларида, жами 219 миллиард сўмлик объектлар қурилишида голибликни қўлга киритишганлиги маълум бўлди.

Қайд этилган ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, айбдорларга тегишли чоралар қўрилиши таъминланди.

Бу каби қонунбузилишларга келгусида йўл қўйилмаслиқ мақсадида вилоят қурилиш штаби томонидан лойиҳалар доирасида қурилиш-пудрат ишларининг сифати ва лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши, шунингдек, лойиҳаларни белгиланган муддатларда яқунлаш чораларини қўриш учун ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилди.

Дастурга киритилган ижтимоий соҳа объектига видео кузатув камералари ўрнатилиши таъминланди. Онлайн режимда ишловчи кузатув камераларининг ёзувларни бир ой давомида сақлаш имконияти яратилди ва кузатув камералари вилоят штабига интеграция қилинди. Бу объектларда қурилиш нормаларига риоя этилиши, бириктирилган лойиҳачи, техник назоратчи ва қурилиш соҳасида назорат инспекцияси инспекторлари ҳамда худудлардаги штаб аъзолари томонидан лойиҳаларни мунтазам мониторинг қилиш, ижроси кечикаётган ва муаммоли лойиҳаларни ҳамда мавжуд камчиликларни тезкорлик билан бартараф этиш имкониятини яратди. Мазкур ташаббус ижобий тадбир сифатида Бош прокуратура томонидан мамлакат миқёсида омалаштирилди.

Халқимизда “Ҳамкорликда ҳикмат кўп” деган гап бор. Шундан келиб чиқиб, ҳамкорларимиз ва мутасадди идоралар масъулларининг давлатимиз раҳбари томонидан барча соҳалар, жумладан, прокуратура органлари олдида қўйилган устувор вазибаларни бажаришда ҳамкорликка чорлайман.

**Жаҳонгир ҲОТАМОВ,**  
вилоят прокурори.

## Самарқанд вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ

### Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақариқ етмиш учинчи сессиясини чақариқ тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасига асосан **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг олтинчи чақариқ етмиш учинчи сессияси **2022 йил 7 октябрь куни соат 09:00** да қаъриллисин.
2. Сессия кун тартибига қуйидаги масала киритилсин:
  - Самарқанд шаҳар ва Самарқанд, Пайариқ, Ургут туманлари сектор раҳбарлари ҳамда вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Л.Ҳамидов, “Самарқанд электр тармоқлари” акциядорлик жамияти директори вазифасини бажарувчиси С.Шомуротов, Кадастр агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи Ф.Худойқулов, вилоят бандлик бош бошқармаси бошлиғи Н.Сулаймоновларнинг аҳоли муружаатлари ва муаммолари билан ишлаш ҳолати, тақорий муружаатларнинг кўпайиш сабаблари юзасидан ҳисоботлари тўғрисида.

**Вилоят ҳокими Э.ТУРДИМОВ**  
2022 йил 30 сентябрь

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ахбороти

**Сўнги вақтларда фуқаролардан Украина атрафидидаги вазият бўйича айрим масалаларга оидлик киритиш мақсадида муружаатлар кўпайганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни маълум қилади:**

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи сиёсатини амалга оширишда миллий манфаатларга, асосий тамойиллар саналувчи, жумладан, очиқлик, тенг ҳуқуқчилик, суверенитет, ҳудудий яхлитликни ҳурмат қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби устуворликларга доимо содиқдир.

Ўзбекистон мавжуд вазиятнинг халқаро ҳуқуқ нормаларидан келиб чиқиб, сиёсий-дипломатик йўл билан ҳал этиш учун шартларни имкон қадар тезроқ ишлаб чиқиш тарафдоридир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келаётган Россия Федерацияси фуқаролари сонининг кўпайишига тўхтайдиган бўлсак, уларнинг мамлакатимизда бўлиш масаласи, шунингдек, эҳтимолий экстрадиция қилиниши Ўзбекистон қонунчилиги, икки томонлама ва кўп томонлама ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тартибга солинишини қайд этамиз.

Шу билан бирга, ҳуқуқбузарлик содир қилмаган ҳорижий давлат фуқаролари мажбурий депортация қилинмайд.

**Барча тармоқлар қатори тиббиёт, хусусан, суд экспертизаси соҳаси ҳам ривожланиб, бу турдаги хизматлардан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда. Сир эмас, илгари бундай экспертлар фақат Тошкент шаҳрида амалга оширилган эди. Энди эса ундан Самарқандда ҳам фойдаланиш мумкин.**

Президент фармони билан тасдиқланган “Йўл харитаси”да жорий йил Самарқанд вилоятида ҳам одам ДНКси суд биологик экспертизаси лабораториясини ташкил этиш белгиланган эди. 8 июль куни Самарқанд шаҳрида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси марказининг вилоят бўлими иш бошлади.

**Кейинги пайтларда дунё бўйлаб иш берувчилар томонидан ходимлар учун тўлиқсиз иш кунини ва мослашувчан иш жадвалини жорий этиш тобора омалашмоқда. Хусусан, ижтимоий тармоқларда айтилишича, Буюк Британияда жаҳонда биринчи марта синов тариқасида 4 кунлик иш ҳафтасига ўтиш бошланган. Бу дегани, ҳафтада 5 ёки 6 кун эмас, 4 кун ишланади.**

Бу амалиёт синов тариқасида 6 ой давом этади ва унда мамлакатдаги маҳаллий ва йирик молиявий 70 та компания ходимлари 4 кунлик иш ҳафтасида иш ҳақи камайтирилмаган ҳолда меҳнат қилади.

Шундай бир шароитда, яъни ривожланган давлатларда иш ҳафтасини қисқартириш самарали йўллар билан синаб қўрилаётган бир пайтда бизда айрим корхоналар иш вақтини ошириш ҳақида бош

## Самарқандда одам ДНКси экспертизадан ўтказилмоқда

Одам ДНКси суд биологик экспертизаси қуйидагиларни аниқлаш имконини беради:

- номаълум жасад қолдиқларини идентификация қилиш;
- қон, сўлак, соч, тўқималар, органлар, тана бўлаклари ва бошқаларни маълум бир шахс ёки бир неча шахсга тегишлилигини аниқлаш;
- боланинг биологик ота-онасини аниқлаш;
- ота ёки она насли бўйича яқин ёки узоқ қариндошлигини аниқлаш;
- биологик эгизакларни аниқлаш (монозигота ёки дизигота эгизаклар) ва бошқалар.

Лаборатория ишга тушгандан буён унда фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судлар томонидан 20 та, ички ишлар органлари томонидан 15 та ҳамда прокуратура сўрови асосида битта лаборатория таҳлили ўтказилган бўлса, мутахассис фикрини сўраган фуқаролар учун 5 та экспертиза тайинланган.

Лабораторияда фуқароларнинг хоҳиши ва эҳтиёжига қўра ҳам экспертиза тайинлаш имконияти мавжуд. Бундай муружаатлар учун “мутахассис фикри” ҳамда “аноним муружаат” сингари хизмат турлари мавжуд.



**Абдулазиз МАРДИЕВ,**  
Давлат суд эксперти  
3-даражали юристи.

## Иш вақти соат 8:00 дан 20:00 гача... Қонунчилигимиз бунга нима дейди?

қотираётгандек назаримизда. Мисол учун, яқинда бир телеграм каналда берилган эълон эътиборининг торти. Унда пойтахтдаги хусусий корхоналарнинг бири 18 ёшдан 25 гача ёшдагиларни ишга тақлиф қилапти.

Бу ерда гап эълон ҳақида эмас, унда иш берувчи томонидан бир кунлик иш вақтининг 12 соат деб белгиланганида, яъни соат 8:00 дан 20:00 гача. Хўш, бу ҳақда қонунчилигимизда нима дейилган?

Меҳнат кодекси 115-моддасига қўра, ходим учун иш вақтининг нормал мuddати ҳафтасига 40 соатдан ортқ бўлиши мумкин эмас. 6 кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишининг мuddати етти соатдан, 5 кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиб кетмаслиги лозим.

Қайд этилган эълонда корхонанинг полиетилен пакет ишлаб чиқаришга ихтисослашгани айтиляпти. Демак, пакет тайёрлаш жараёнида кимёвий маҳсулотлар ишлатилади. Бу ҳолатда иш берувчига яна бир қатор мажбурийлар юкланади. Масалан, зарарли иш шароити бўлган жойларда меҳнат Қонунчилигига асосан устам ҳақ тўланади ёки иш соати қисқартирилади ва ишчи зарарли муҳитда камроқ бўлади, камроқ зарарланади. Шу сабабли кўпгина кимё sanoati корхоналарида иш соати кунига 4 ёки 6 соат қилиб белгиланган.

Юқорида эълон бераётган корхона эса иш соатларини меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларда белгилаб қўйилган вақтга бепасанд қарамайтими?

**Сулаймон МАРДИЕВ.**



# Rўzi

## Мерганинг АРМОНИ

Ўндан ортиқ йигити билан тоғ-ма-тоғ, қир ошиб, юртини босқин-чилардан хиёя қилиб юрган Рўзи мерган Мулла Бурхон қишлоғининг азим толлари соясида дам олишга кўнди. Ҳориб-чарчаган йигитлар этикларини ечиб, чопонларини ерга солишди-ю, чўзилишди. Рўзи уларни зимдан кузатди. Ҳафта-ўн кундан бери одамдай бўлиб дам олишгани йўқ. Ҳали у қишлоқ, ҳали бу қишлоқ нотинч бўлиб қолади. Бормасанг бўлмайди, одамлари "дод" деб келади. Югур-хо, югур, "ит ётиш - мирза туриш", дегандай ҳаловати йўқ уларнинг. Баъзан отни қулангаёқ миниб, чопанлари ҳам бўлди. Тинчгина бир банддек чой ичгани вақти, ёйинки, оғзи ош кўргани йўқ...

...Ҳа йигитлар-а, йигитлар! Бир кунни замон ҳам тинчир, одамлар ҳам ўз тирикчилигини беҳавотир қилар. Келар-да, бир кун шундай замон ҳам! Тинчгина қўш қўшиб, дам ҳам олармиз ҳали!..

У шуларни хаёлидан ўткази туриб, ёнидаги Сафаралига овқат қилишни тайинлади. Ўзи бир йигити билан Жуман оқсоқолниқига йўл олди. Жуман оқсоқол жуда эҳтиёткор одам эди. Рўзининг йигитини ташқарида қолдириб, ўзини ичкарига бошлади. Бир-икки марта даҳлизга чиқиб, атрофга кўз ташлагач, Рўзининг ёнига ёнбошлаб, шивирлади:

- Худого шукур, ён-атроф қишлоқлар тинчиб қолди. Лекин бу бутунлай ёвдан қутулдик, дегани эмас. Душман ичимизда бўлиши ҳам мумкин. Эҳтиёт шарт.

Кейин бирпас ўйланиб тургач, сўради:

- Хўш, қурол-яроғинг қандай?
- Шу, ўзингиз билган биротар милтик-да, - кулиб қўйди мерган.
- Ҳм-м, - нималарнидир чамалади оқсоқол. - Душман бирдан бостириб келса, буни ўқлагунингча, ёв пешонангда туради. "Пақ" этиб отади.
- Тўғри, - деди мерган.

Оқсоқол нималарнидир ўйлаб тургач, Рўзига тик боқди:

- Сенга бешотар милтик керак!
- Уни қаердан оламиз? - хайрон бўлди мерган.
- Бир йўли бор, - мийғида жилмайди оқсоқол. - Ақча бўлса, ҳамма нарса топилади, дейишган. Кетдик, бир жойга бориб келамиз.

Икковлашиб, олдинма-кейин йўлга тушишди. Бирон соатлар юришгач кўргон олдида тўхташди. Овоз бериб қақирилгач, ичкаридан:

- Ҳози-ир, - деган овоз келди. Яхшигина кийинган, барваста киши дарвозани очгач, оқсоқолни таниди шекилли:
- Ие, ие, қани келинг, - деб кучоғини очди. Рўзи ҳам отдан тушиб, қўш қўллаб кўришди. Қўл ювиб, ичкарига кирилди. Ҳол-аҳвол сўралиб, бир-икки пиёла чой ичилгач, оқсоқол мезбонга юзланди:

- Хў-ўш, Исмағай, эл-улус тинчма?
- Худого шукур, анча тинчиб қолди. Нима бўлсам бу Қанот дегани энди йўламасин-да. Бир келганида элликта қўйимни олиб кетди, ярамас.

Рўзи бир чимирилиб тушди. Ундаги бу ўзгаришни кўрган бой хайрон бўлиб, оқсоқолга қаради.

- Бу Рўзи мерган, эшитгандирсан? - таништирди оқсоқол.
- Э, э, мерган шу йигитми? - ҳаяжонланиб кўзлари каттарди уй эгасининг. - Қаранг-а, одамлардан кўп эшитганмиз-у, ўзини кўрмаганмиз-да.

- Энди унинг сен билан менга ўхшаб уйда чой ичиб ўтиришга вақти йўқ-да. Худойим ўз панохиде асрасин, кечаю кундуз отда юрт кўриқлаб юрибди. Эл-улус анча тинчиб, одамга ўхшаб яшаётганимизнинг сабаби ҳам шу!

- Мергандан миннатдормиз, қўлимиз дуода, - ҳаяжонлангандин ўтирган жойида бир-икки кимирлаб қўйди мезбон.

- Дуо қилиш керак-куя, лекин фақат дуо билан иш битмайди-да.

Уй эгаси муддаони англомай, уларга жовдирлади.

- Юрт тинч бўлиши, душман даф бўлиши учун мерган ва йигитларига зўр қуроллар керак!
- Лекин менда ундай нарса йўқ-да, - талмовсирлади бой.
- Йўқлигини менам биламан, ақчадан ёрдам қил.

Бой бир нималарни чамалагандай ерга тикилиб қолди.

- Ҳа-а, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Аммо эртан-метан қароқчи босса, бизга одам юбориб ўтирма, - оқсоқол юзига фотиха тортиб, ўрнидан турди.
- Тўхтанг, тўхтанг, - жон ҳалпида талпинди бой.
- Ҳозир.

Бироз вақт ўтгач, қўлида салмоқлигина тўрвача билан қайтиб келди:

- Мана, оқсоқол, пул топилади. Бола-чақа, мол-бош тинч яшамиз керак.
- Оқсоқол шу тахлит элнинг икки-уч ўзига тўқ одамларига тушунтириб, қўшни қишлоқларга қатнаб, керакли сармояни йиғди. Беш-бегона қароқчи кечаси бойлигини талаб кетгандан, юрт хиёячисига қурол зарурлигини, асосийси, тинчилигини маъқул кўрганлар ими-жимиде керакли нарсани йиғдилар. Оқсоқол кимга учраганини ҳеч қим билмади, у ҳам ҳеч қимса бирон сўз демади. Лекин орадан бир ҳафта ўтгач, оқсоқолнинг уйи олдида юк ортилган тўртта от пайдо

бўлди. Гира-шира кеч пайти бўлгани учун буни кўпчилик сезмай қолди. Юқлар тезда молхонага киритилди. Яхшилаб ўралган, ялтираб турган милтиқларни кўриб, мерганнинг кўзлари чарақлади:

- Мана буни қурол деса бўлади. Бир отишда беш ўқ бўшатасан. Қайта ўқлашга вақт кетмайди...
- Кеч кузак пайти. Совуқ изғирин суяк-суягиндан ўтиб кетади. Йигитлари билан Добу-сиядан қайтиб келаётган мерганнинг хаёлида битта фикр - тезроқ уйига етса-ю, иссиққина чой ичса... Тоғ йўлида уларнинг қаршидан бир отлик келаверди. Бироз тўхтаб тургач, уни таниди шекилли, отини тезлатди. Яқинлашгач, энгашганча шивирлади:

- Мерган ака, қишлоққа бормас экансиз. Оқсоқол тайинлади.
- Нима гап? Тинчликми?
- Тинчлик бўлиб тинчлигиммас, шу...

Бир-иккита бегона одам айланмиб юрибди. "Шўронинг кучуклари!" - ёғинди мерган.

Ҳозир бориб, оёғидан оссаммикан? Лекин... ана шу "лекин"и бор-да!

Ҳар нарсани оқилонга фикрлайдиган оқсоқол уни оғохлантирган. Бир-иккитасини отсанг, қишлоқ отишма ичиде қолади. Сенинг бу ерда йўқлигингни билгач, ортига кетади. Жаҳлингни тий, жаҳлингни тий, улар шуни кутаепти... Бир-икки кун узокроқда турайлик-чи, нима бўларкан? Аммо "бўш қоп тик турмайди", деганларидек, озиқ-овқатни нима қиламиз?

Унинг боши қотиб қолганини кўрган ҳалиги хабарчи охириги гапни айтди:

- Ҳаровлининг йўлидаги тутда бўларкан!
- Нима?!
- Нималигини билмайман, лекин оқсоқол шундай деди. Кеч тушганда бораркансиз.

Ҳаммага ҳам сирини айтмавермайдиган оқсоқол гапнинг ярмини айтди, қолган ярмини фаросати бор одам ўзи англаб оларди. Рўзининг акиси Элибойнинг ўш ёни Аваз исмли ўғли эшак миниб қишлоқдан чиқди. Қишлоқнинг кун ботар ёки кун чиқар томонига ҳар кун болалар эшакда молни қидириб чиқишади. Халиги бола атрофга эҳтиёт кўз ташлаб кетиб борапти. Ҳаровлининг йўлига бурилгач, эшакнинг тўқимини созлаган киши бўлиб, ҳар томонга қараб олди. Ҳамма ёқ тинч. "Тиқ" этган товуш ҳам, одам ҳам йўқ. Хуржунинг кўзигада омироқ дастурхонни олдида, тут шохлари орасига жойлади. Кейин нариги қирдан бурилиб, қишлоққа бошқа сўқмоқдан кириб келди. Узокдан қараб турган оқсоқолга "бўлди" ишорасини қилди.

Кечга томон бир ўзи тутга яқинлашган мерган шохлар орасидан ўроғлик дастурхонни олди. Йигитлари билан биргаликда пиширилган гўшт ва нонларни еб, чой ичишди.

Хира чироқ ёруғида икки киши шивирлашиб гаплашиб ўтиришибди. Ис босган, пастаккина хона. Тўрдаги кўр-пачада ёнбошлаб ётган киши шеригига шивирлади:

- Хўш, бирон нарса аниқладингми?
- Икки кундан бери айланаман. Келмаяпти. Одамларни гапга солиб кўрдим. Бирор кишидан тайинли гап чиқмади.
- Чикмайдиам, - ўйлади тўрдаги киши, - бу тоғ халқи ориятли бўлади. Улса ўладки, аммо шеригини сотмайди. Бу сенга ўхшаган ноқасдан чиқади.

У ёғиниб, четга қаради. Кейин яна унга тармашди:

- Демак, сезинган. Қара, уйига келмаса, қандай кун кечиряпти. Мол эмас-ку, ўт еб қорин тўйдирсаи?
- Сезишимча, оғайниларида кимдир унга нон-емак етказиб турибди.
- Ана шуни аниқлаш керак!

Бу орада Жуман оқсоқол бир амаллаб Дарайтут йўлидаги белда мерган билан учрашди. Йигитларни нари қилиб, Рўзига доимгидек энгашиб шивирлади:

- Тугунни олиб турибсанми?
- Ҳа, раҳмат, оқсоқол.
- Уйинг куйғурлар, хотиржамгина оёғингни узатиб, чой ҳам ичолмасанг-а. Энди гапни эшит, душман ҳам анойи эмас. Изингга тушган. Эсингда бўлсин, доимо нон ўралган белбоғ тугилган бўлади. Бу бизнинг

белги. Ана шу эсингдан чиқмасин. Тушундингми?

- Тушундим.

Ана ўша сўхбатдан кейин ҳам мерган уч-тўрт марта кечаси тут шохлари орасидан дастурхон олди. Ҳар сафар олганда шошмасдан оқсоқол айтган тугунни билиб, кейин озиқланарди.

Кечга томон қишлоқдан чиққан эшакли болани кўриб, шўро айқоқчиси ўйланиб қолди. "Кўй-эч-кисини боққани кетаяптимики?" Бир кўнгли "бор-ей" деб, изига қайтмоқчи ҳам бўлди, лекин ҳафтадан бери бирон хабар топмагани ёдига тушиб, пешонаси тиришди. Айқоқчилар бошлиғи татар Мустафиннинг жаҳли чиқши тайин - "Кўлингдан ҳеч иш келмайди", деб. Шу болада бир гап бор-ов!, деган фикр келди хаёлига. Ҳар жилғада ётиб, эмаклаб, эшакнинг изидан бораверди. Иккита қуриган янтоқни пана қилиб кузатди. Бола у ёқ-бу ёққа қараб олиб, қўлидаги тугунни шохлар орасига яширгач, йўлида давом этди.

- Ана, жумбоқ топилди! Бола узокроқ кетгач, айқоқчи бориб тугунни текшириб - нон, гўшт экан. Хўш-хўш, бироз ўйланиб тургач, қайта жойига қўйиб, изига қайтди.

Пастак хонада яна шивирлаб, режа тузилди:

- Белбоққа тегадингми?
- Йўқ.
- Яхши, мана бу заҳар, - гапиргувчи шеригига кичкина идиш узатди. - Гўшт устига яхшилаб селасан, кейин жойига аввалгидек қилиб қўй. Сезилмасин. Нонга селма, билин-ки қолади.

Эртаси кун қоронғида тут шох орасидан дастурхонни олар экан, мерганнинг юраги тўлқиланиб кетди:

- Айланай уруғимдан.
- Шериклари ёнига келиб, гулхан ёруғида дастурхонни очар экан, нон устидаги бел-боғнинг нари-бери ўралганини кўрди. Тугун йўқ! Кўнгли бир нимани сезгандай бўлди. Тўхтаб қолди. Юмшоқгина гўшт илинжиде бўлган йигитлардан бири:
- Мерган ака, чой тайёр. Қани, гўштни узатинг-чи. Ўзим тўғрайман, - деди.
- Йўқ, тўхта. Бугун гўшт емаймиз. Кечгаги нондан қолганими?
- Ҳа, озроқ бор.
- Бор бўлса, ўша билан кифояланамиз.
- Нима гап, мерган ака?

Йигитларнинг икки кўзи пишган гўштда эди.

- Гўшт заҳарланган бўлиши мумкин.
- Йўғ-е... - ҳамманинг ранги қув ўчди.
- Буни қандай биламиз?

Чой узатаётган Юсуф бошини қашиб тургач, кунчиқар томонга қўлини узатди:

- Манави қирнинг ортада тулки уяси бор. Бир кун и йўртиб кетаётганини куврувдим.
- Бўлмаса, шу қирга қўямиз. Кузатамиз. Гўштни еманлар.
- Алҳол тулкининг ўлиб ётганини кўрдилар. Бечора тулки, бизни икки оёқли тулкилардан кутқардинг... Шошмай туринглар, сенлар билан ҳам ҳисоблашадиган вақт ҳам келая...

Эрталаб, тонг саҳар тоғ йўлида бир отлик кўринди. Эҳтиёт бўлиб, у ёқ-бу ёққа қараб келишига қараганда киминдир қидирмоқда шекилли. Мерган бир йигитига имо қилди - "бориб кўр-чи?". Пастроқ жилғада отини силаб-сипалаётган йигитни кўриб, ҳалиги отлик тўхтаб қолди. Барибир юрмаса бўлмайди. Таваккал, отини ниқтлади. Сўрашиб, анча гаплашиб қолишди. Кейин иккови улар турган томонга кела бошлади.

- Рўзи ака. Оймоқхондан экан.
- Нима гап?
- Босмачи босди, мерган. Мол-бош таловда.
- Ҳм-м, - мерганнинг қошлари ёқлов бўлди. - Кетдик. Бу ерлар ҳали эгасиз қолган эмас.
- Тасара-тусур от қўйиб кетдилар. Аммо кеч қолишибди. Аблах қароқчи оларини олиб, бир-иккитани отиб, жўнаб қолибди. Тўғри-да, бир жойда ўтирармиди? У ҳам кимдандир ҳайқилди. Ўзига тинч жойга кетади.

Таланган қишлоқ, хонавайрон уйлар, ийгаётган аёлларни кўриб, мерган ўзини айбдор сезди. Бу ерда юраги эзилиб ўтиргандан

кўра, ўша қароқчини бориб отгани маъқул. Нормурод мерганга имо қилди: "Кетдик!".

- У аблахнинг ини қаерда экан? Қидиринглар!

Йигитларни чорикор, чўпон қиёфасида ён-атрофга жўнатишди. Ҳар бир йигит мол боқиб юрган чўпон-чўлиққа бориб сўхбатлашар, табиийки, у ҳам дардини дастурхон қиларди. Шундай одамлардан бири у ёқ-бу ёққа қараб олгач, ёнидаги дардкашга ёрила қолди:

- Бу зангар Қанот дегани бошга битган бало бўлди. Бизнинг қишлоқлик Мамат бойни талади, кетишда тинчгина кетмай, Мирзонинг қизини отга босиб олиб кетди. Ҳеч кимдан ҳайқмайдиам. Унинг додини берадиган бормикан-а? Шу ўнта қўйимни у дарадан бу дарага обочаман. Қачонгача бундай юрамиз?
- Ўзи қаерда макон қилар экан?

Ерга кириб кетмас, илонга ўхшаб? - талмовсираб сўради йигит.

- Дайробетнинг нариги тарафида бир овул бор. Унча кўзга ташланмайди. Одамлар шу ерда, дейишади.

Бир-иккита сондир-мондир гап билан уни чалғитган йигит изига қайтди. Бу ишончли хабар Рўзига етказилди.

- У ерга ҳаммамиз боришимиз шарт эмас, - деди у ўринбой мерганга. -Уч киши борсак бўлди. Қолганлар шу ерда, муҳофазада туришсин.

Қоронғи тушганда ўринбой мерган билан иккаласи аста-аста Қанотнинг уйига яқинлашиб боришди. Улар билан келган йигит панароқ жойда отларни қўриқлаб қолди. Қанотнинг уйига бориб қолишганда ўринбой Рўзини туртди.

Аста тепани кўрсатди. Қоронғида даррахт тепасида қароқчи бор экан. Синчиқлаб қарасангиз, сезилади. Рўзи биқиниб бориб, уни бир ўқда қулатди. Қовлидагини ўринбой ағдарди. Ичкари киришди. Бир момо ўтирибди. Ерга тикилганча уларга қараб-қараб қўйди.

- Момо, устингиздаги шу кимхоб камзул бизники. Момодан мерос эди. Танидим, - деди Рўзи.
- Момонинг ранги оқарди.
- Тўғриси, болам ҳар кун и ҳар жойдан нарса олиб келади. Олдин-олдин ёқмади, кейин қарасам, дуппа-дуруст кийим, ўрганмил ҳам қолдим. Энди... - момо унга бир қараб олди. - Нарсангни таниган бўлсанг, олиб кетагай.

Мерган бир кулиб қўйди.

- Кийимлар менга керак эмас. Қанот фақат кийим олиб келмагандин...
- Момонинг ичига тош тушди, кўзларини юмиб, ер қаьрига кириб кетди-ёв!
- Момо, бу латта-путталар ўзингизга қолаверсин.

Мерганнинг куюқ қошлари остидаги кўзлари аввалгига мулоимийгина жилмайиб боқди, кейин қахрли найзага айланди.

- Биздан олиб келинган бошқа нарсага келдик.
- Момо бўри қаршисидаги ожиз қўзичоқ холига тушди. Ожизгина ялинми овоз чиқарди, мерганнинг назарида маъради-ёв. Аммо бу алдоқчи овозга чалғимаслик керак! Мерган доври тезлатди. Момонинг устига тик бостириб борди:
- Қани?!

Улар сандиқ, кўрпаларни ағдаришаётганда момо аста-аста сўрилиб бориб, бурчакка жойлашиб олди. Мерган бир кулиб қўйди: "Минг қилсам, хотин киши-да!". Ўринбойга имлади. Икковлашиб момони ўтирган пўстаги билан "Ё, бисмилло" деб кўтариб, бир четга олишди. Момо ўтирган бурчак қовланди. Ана хумча, мана хумча! Тизза бўйи келадиган хумча ичи тўла тилла, қўмилган турибди. Мерган холи кетиб ўтирган момога яна бир қахрли қараб қўйгач, олдинма-кейин бу ердан жўнашди.

Бу тиллаларга Рўзи мерган ишончли одамлари орқали янги бешотар милтиқлар сотиб олди. Йигитларини янги қуроллар билан таъминлади. Узумли, Оймоқхон, Ҳаровли, Тим дараларидан ҳайқириб от қўйиб ўтди. Унинг дарагини эшитган душман сичқоннинг инига кириб кетарди, сабаби, мерган беҳато отарди.

Ҳар эҳтимолга қарши деб мерган йигирмата бешотарни йигирма серка ёғига қоплаб, териларига ўраб, ишончли жойга кўйиб қўйди. Ҳар терининг ичига қайроғочнинг ёғочидан тўрт бурчак шаклида муҳр ясаптириб, ўша муҳр билан қўмилди. Терилар от ёлдан тўқилган хуржунга солинди, боиси от ёлини куя емайди, чиримайди.

Уша тиллаларга Рўзи мерган баланд кўрғон қурдириб, мол-хол қилиб, йигитлари кўриқчилигига тинчгина яшаш мумкин эди. Шарқ халқиға оч кўзлари тиккан чоризм бошлиқларига тилланинг бир қисмини берса, эҳтимол шундай бўларди ҳам. Аммо ундай қилмади. Душманга бош эгмади. У мард, юрагида ғурури бор инсон эди. Элининг нажот кўзи унда эканлигини биларди. Қўлида қуроли билан ҳайқириб, даралардан от қўйиб ўтди. Қаҳрамонларча шахид бўлди. Унинг афсонавий қаҳрамонлиги тоғдан-тоққа садо бериб айланди, асрлар бўйи халқ ичиде гапирилгуси. Мен Рўзи мерганнинг ўғли Нарзи бобо, юзга кирган Ҳожо бобо, тоғираси ажиб Парда бобо билан сўхбатлашганимда шунга амин бўлдимки, тоғлик Узумли қишлоғи халқи, унинг эллиққа яқин неварачеваралари бу афсонавий ҳақиқатни фахр-ифтихор билан эслашади.

**Бобораҳмат МУҲАММАДИЕВ,  
Нуробод туманидаги 56-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси.**



## Шеърят бўстони

Ўткир РАҲМАТ

### Устоз

*Оламда неки бор ўргатар шаксиз,  
Ҳар кун яшашдан беради сабоқ.  
Ҳатто ранж, алам ҳам қолдиради из,  
Муаллим бўлади айрилиқ, фироқ.*

*Устоздир еру-кўк,  
Устоздир борлиқ,  
Устоздир нурларин улашган офтоб.  
Азалдан ким толиб, олади ёрлик,  
Умр китобини ўқиб бобма-боб.*

*Энг аввал отадир бошларни силаб,  
Дилни умидларга йўллаган устоз.  
Онадир бир олам яхшилик тилаб,  
Қайноқ меҳри ила қўллаган устоз.*

*Хуш калом айтмоқлик саодатини  
Бергувчи улуг зот ота - муаллим.  
Ватани ардоқлаш, севмоқ бахтини  
Улашган мўътабар онага таъзим.*

*Ҳар инсон ўз йўлин топмоқни ўйлар,  
Устозсиз шоғирдқи ҳар ён йўрғалар.  
Муаззам дарёдек мавжланар, қайнар,  
Тошмоқдан дарс олар бебош жилғалар.*

*Авжи баҳорларда қувватга тўлиб,  
Қайтадан безанар боғу боғчалар.  
Борлиқнинг безанир фарзанди бўлиб.  
Қаҳқаҳ ота бошлар гулу гунчалар.*

*Кўз-кўзлаб дов-даррахт бўйи бастини,  
Замину фалакка этганда ошкор.  
Табиат ясаптиш ҳар бир фаслини,  
Енгилмас куч бериб, мадад бўлиб ёр.*

*Субҳидам саноқсиз эгат оралаб,  
Ойдин далаларни кезар бемалол.  
Осмон чарчамайди қуёш орқалаб,  
Чаноқлар оқ инжу тутайди хушхол.*

*Қобил фарзанд бўлиб бу мулки олам,  
Муришд панохиде улғаяр тун-кун.  
Бу дунё яшнамайди, яшарар мудом  
Ёнида устозлар борлиги учун.*

*Борлиқни авайлаб кўз қароғида  
Нурли манзилларга чоғлаган ҳам у.  
Уруғларни қадаб кўнгли боғига  
Эрта кунга умид боғлаган ҳам у.*

*Разм сол, устознинг нурли кўзидан  
Ёғилар дунёнинг саодатлари.  
Агарки йўл олсанг унинг изидан,  
Эшигини очар сир, ҳикматлари.*

*Шундан қадр топгай, топгайдир эъзоз,  
Бу маконда бунёд бутун самовот.  
Меҳрибон юзининг қорағига бос,  
Ўзинг устозларни асрагин, ҳаёт.*

### Суннатулла ЖУМАҚУЛОВ

## Китобинг қани?

*Таҳлика чекинса, руҳ сокинлашар,  
Ойки, қўрғонлади... тун қуюқлашар.  
Хотира қйнаса, омонлик бўлмас,  
Нимаики қилма - савоб йўқ.*

*Кимдир улуғлардан кейин келгандек,  
Мозий қаърида ё исён бўлгандек.  
Тоғмаҳал соғиниб Шоҳ Жаҳон йиғлар,  
Бобурдан жавоб йўқ.  
Ўзбек! Ўқиётган китобинг қани?*

## Истиқлол меҳвари

*Қалдирғоч тилида сўзламадим-да,  
Оҳанг камалак рангини йўқотди.  
Ёмон-яхшилиқни ҳеч ўйламадим-да,  
Булут кўчкисидан осмон совқотди.*

*Шикаст вужуд, мажҳул бир онг ҳам,  
Рухиятга тенгмас шикаст бир хошиш,  
Миллатинг бир қаъми ўта муттаҳам,  
Улар уюм ўтин - билмайди ёниш.*

*Оҳисталик тарзи Худовандга хос,  
Бандаси истар ҳош овулдек яккаш.  
Истиқлол меҳварин соғинар Ватан,  
Дўппили ўзбекдан чиқмас аламкаш.*

# ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ БИРИНЧИ ЎҚИТУВЧИСИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Бахтиёр Саидов 1981 йилда Самарқанд вилояти Самарқанд туманида туғилган. 1988 йилда Кониғил қишлоғидаги 53-ўрта мактабнинг биринчи синфига қабул қилинган.



дим, – дея сўзида давом этади Г.Саидова. – Болалар навбати билан жавоб бера бошлади. Шу пайт синфга мактаб директори ва ўринбосари кириб келиб қолди, аммо дарсга ҳалақит қилмай, машғулоти кўзатишди. Бахтиёрга навбат келганда “Мен министр бўлман”, деди. Мен бу гапни унга ўргатиб кўйгандек, бироз хижолат бўлиб, ерга қарадим. Директоримиз эса “Баракала, яхши ўқисанг, албатта, министр бўласан”, деди ва ўқувчиларни ўз олдига катта мақсадлар қўйиб, унга эришиш учун интилишга даъват этди.

Бошланғич синфдан сўнг Бахтиёр кўшни қишлоқдаги 23-мактабда,

– Мен Бахтиёрнинг биринчи ўқитувчиси бўлиш билан бирга аммасиман, – дейди Самарқанд туманидаги 53-мактабнинг собиқ ўқитувчиси Гулнора Саидова. – Шунинг учун унинг ёшлигини давом эттиришга иштиёқи баландлиги, зеҳни ўткирлигини яхши билганман. Отаси – Одил акам ҳам мактабда яхши ўқиган ва олтин медаль билан битирганди. Онаси – Ирода опа эса мактабда рус тилидан дарс берарди, бирга ишлаганимиз (Минг афсус, улар фарзандларининг бугунги кунларини кўришмади, руҳлари шод бўлсин!).

Синфдаги 25 нафар ўқувчи орасида Бахтиёр яхши ўқиши, тарбияси билан ажралиб турарди. Ҳеч ҳам онам ёки аммам ўқитувчи, деб бундан фойдаланмас, биз ҳам уни бошқа ўқувчилар қатори кўрардик. Мактабда у ўқувчи, биз ўқитувчи нисбатан ҳурматсизлик қилгани ёки боласига тарафқашлик қилиб, мактабга келгани ҳақида эшитсам, хафа бўламан. Аввало, ота-онанинг ўзи боласи таълим-тарбиясига масъуллигини ҳис қилиши, унинг ўқишидан манфаатдорлигини унутмаслиги керак. Бу борада ўқитувчини қўллаб-қувватлаши, у билан бирга ишлаши керак.

– Эсимдан чиқмайди, бир кунни дарс пайти ўқувчиларга келажакда ким қайси касбни эгалламоқчи, деб савол бер-

сўнгра Самарқанд шаҳридаги академик лицейда ўқиди. Тошкентдаги олий ўқув юртида таҳсил олди. Оилада тўнғич фарзанд бўлгани учун ука ва синглисига чинакам ибрат бўлди, бугун уларнинг жамиятда ўз ўрнини топганини, муваффақиятларини кўриб, фахрланиб юрамиз.

Кониғил қишлоғида 1932 йилда ташкил этилган мазкур таълим маскани тумандаги энг кекса мактаблардан бири ҳисобланади. Эски, мослаштирилган бинода фаолият кўрсатган илм даргоҳи учун 1992 йилда 450 ўринли янги бино қурилган. Ҳозир бу ерда 900 нафарга яқин ўқувчи таълим олмақда. Мактабда 40 йилдан ортиқ вақтдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Малика Жамолова, Роза Хлебородова, Мухаммади Нажмиддинов сингари ўқитувчилар ҳам айна пайтда вазир бўлган собиқ ўқувчилари билан боғлиқ ширин хотираларни ёдга олиб, фахр ва ғурур билан гапирди.

– Мени бу мактабга Бахтиёрнинг бувиси ишга олиб келган ва уларнинг оиласи ҳақида жуда яхши биламан, маърифатли, аҳил хонадон, – дейди мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Роза Хлебородова. – Бахтиёрни ўз набирамдек кўрардим. Бошланғич синф пайтида рус тилидан дарс берганман. Яхши ўқирди. Мактабни битириб кетганидан кейин ҳам тез-тез йўқлаб туради. Яқинда мактабимизга келганидан анча сўхбатлашдик. Бахтиёр Саидов бугун мактабимизнинг фахри, уни болаларга ибрат қилиб кўрсатамиз.

**Ғ.ҲАСАНОВ, А.ИСРОИЛОВ (сурат)**

**Ўқитувчилик – Аллоҳнинг инояти билан берилган учта касблардан бири экан. Бу касб эгалари агар ҳақиқий устоз бўлса икки дунё саодатига мушарраф бўладиган инсонлардир.**

Ҳаётимни таҳлил қилиб, орта назар солиб, хулосага келдимки, мен ҳақиқий устозларни кўрган шогирд эканман.

Мен ўқиган мактабда Умирзоқ Абдуназаров деган математика ўқитувчимиз бор эди (Аллоҳ раҳмат қилсин!).

У киши кўчада учрашиб қолсак ҳам, дўппингни ол, деб қўлга олдирадди ва энди унинг каштасининг юзасини топ, дер эди. Бу дарсликларда йўқ нарса, лекин ҳаётда бор. Биз топа олмасак, шу гулларнинг юзини ўзи топишни ўргатиб, формуласини чиқариб тўлиқ тушунтириб берарди. Кейин биз ҳам шундай қилиб, ҳамма нарсага математика нуқтаи назаридан ёндашар эдик. Биз мактабдан уйғача анча йўл юрардик. Шунда юрган йўлимизнинг масофасини ҳам ўлчаб формуласини чиқарардик. Шундай бўлганки, инсоннинг бутун ҳаёти математика қуршовада, деб тушунганмиз.

Шу фазилат менга ҳам ўтиб қолган экан чоғимда, ҳозир иқтисодий ҳодисалар, уларнинг ўзaro боғлиқликлари ҳақида формула ясашим, уни амалиётда қўллаб ҳисоб-китоб қилишим ҳеч ҳам қийинчилик туғдирмайди.

Уша мактабимиздаги химия ўқитувчимиз ҳозир 100 ёшга яқинлашиб қолди, умрлари узоқ бўлсин. Ҳар биримизга бир ҳафта битта модала родини йўнашни топширарди. Масалан, бир ҳафта мен

## Устоз улуғлиги нимада?



натрийман. Бутун натрийнинг хусусиятларини, у қаерда учрайди, қандай моддалар билан реакцияга киришайди, реакция натижасида нималар ҳосил бўлади, хуллас ҳамма-ҳаммасини ўрганар эдик. Мен ўзимни (натрийман) тўлиқ ўрганиб айтиб берганимдан кейин бошқа модала родини ўйнар эдим. Шу тариха химияни зўр ўрганмиз. Сўнгра ўзимизда бор нарсаларнинг таркибини

ўргатар эди. Бутун борлиқни химия, деб тушунтирган. Тупроқ, сув, ҳаво – ҳаммасининг формуласини ёзиб кўрсатарди.

Мен ўқиган мактаб ҳозирги тил билан айтганда, узоқ чекка қишлоқда жойлашган. Ҳамон ўша жойда. Ўтган йил кишлоғимиздаги 14-мактаб вилоятда етакчи бўлиб, болаларнинг олий мактабга кириши бўйича биринчи ўринни эгаллабди. Республикада ҳам нуфузли ўринга сазовор бўлганини мактаб директори Н.Усаров фахр билан сўзлаб берди.

Бир жараён ҳамон ёдимда, биз ўқитувчиларимизни хафа қилиб қўймаслик ва мунозара жараёнида қийналиб қолмаслик учун уй вазибаларини ҳамisha тўлиқ тайёрлаб келишга ҳаракат қилардик. Баҳо олиш иккинчи даражали эди. Муҳими, билим олиш, мунозара жараёнида уялиб қолмаслик асосий мақсадимиз бўлган.

Қайси мамлакатда устозлар улуғланса, экспортга картошка ёки бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари эмас, гоғлар, инновацион технологияларни экспорт қилмоқда. Бизда ҳам соҳага эътибор кучайди, лекин камчиликларимиз ҳам анчагина. Уларни бартараф қилиб, Янги Ўзбекистонга муносиб устозларни тарбиялашимиз керак. Устознинг улуғлиги – унинг устозлигида. Устозлик эса, унинг шу номга муносиблигида!

**Мамаюнус ПАРДАЕВ, СамИСИ профессори, иқтисодийёт фанлари доктори.**

## РАҲБАРЛАР МУАЛЛИМДАН ДАККИ ЭШИТГАНМИ?

**Ўқитувчи ва мураббийлар куни арафасида айрим раҳбарларга ушбу саволни йўлладик. Раҳбарлар ҳам болалигида муаллимдан дакки эшитган, ҳатто шапалоқ еган. Ўқитувчининг бундай тарбия усули ўқувчини ёмон йўлга бошламаган, аксинча, “кўзини очган”. Ҳар бир ўқитувчининг болага таъсир кўрсата оладиган ўз услуби бўлади. Шу орқали муаллим шогирдининг келажакда ўз ўрнини топишига кўмак беради. Келинг, яхшиси буни раҳбарларнинг ўзидан эшитинг.**

**Рустам ҚОБИЛОВ, вилоят ҳокими ўринбосари – туризм ва маданий мерос бошқармаси бошлиғи:**

– Бошланғич синфда ўқитувчимдан кўп дакки эшитганман, мактаб ҳаёти аслида шуниси билан қизиқ. Бошида дарсларни ўзлаштиришга қийналганман. Сабаби, 5 ёшимда Тойлоқ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактабига (собиқ 71-мактаб) борганман. Жуссам кичиклиги туфайли сумкам ерга тегай деб қоларди. Синфда ҳамма болалардан кичик бўлсам-да, улардек дарсларни ўзлаштиришга ҳаракат қилардим.

Мактабга икки йил олдин борган бўлсам ҳам фанлардан аъло баҳоларга ўқиганман, айниқса, тарих, ҳуқуқ фанини яхши кўрардим. 10-синфда “Сиз қонунни биласизми?” республика кўрик-танловида 2-ўринни олганман. Ҳаётда ўз ўрнини топишимда физика фани ўқитувчим Фурқат Султонов, биология фани ўқитувчим Нурулло Сафаров, тарих фани ўқитувчим Толиб Сафаровларнинг хизмати катта бўлди. Менга таълим берган ўқитувчиларимдан бир умр миннатдорман. Биринчи муаллимим Ситора Содиқовани ҳар йили 1 октябрда оилам билан бирга бориб, табриклар келаман.

**Қаюм СОБИРОВ, Жомбой тумани ҳокими:**

– Урган туманидаги 41-умумий ўрта таълим мактабига ўқиганман. Ўқувчилик йилларимизни эсласам, устозимиз Асрор Сатторовнинг жонқуярлик билан ўтган сабоқлари ёдимга келади. Домла рус тили фанидан дарс берар, бир вақтнинг ўзида синф раҳбаримиз ҳам эди.

– Дарсликларни ўзлаштиришдан ташқари, бадиий китоблар ўқишингиз, тил ўрганишингиз ҳам зарур. Бу келажакдаги ўқувчи учун гоғат муҳим, – деб қуёнарди.

Юқори синфга ўтгандик. Кутубхонадан “Юлдузча” номли тўплам олдим. Энди ўйласам, ўз даврининг гоғасидан келиб чиқиб тузилган, бадиияти ҳаминқадар тўплам экан. Устоз дарсдан сўнг қандай китоб ўқиётганимиз билан қизиқди. Навбатим келганда, ўзим ўқиётган китоб номини айтдим.

– Қандай китоб экан? – сўради у киши.

– Қалин китоб экан. Синфда кулги кўтарилди. Домла ўйчанлик билан дуч келган китобни эмас, мутулағо арзийдиган ҳақиқий асарларни ўқишни тавсия қилди. “Саид Ахмад, Худойберди Тўхтабоев, Ўткир Хошимов, Эркин Воҳидов... асл адиллар ижодини ўқинг, ўғлим”, деди.

Шу кунни “Беш болали йигитча” романини қўлимга олдим. Орадан ўттиз беш йил ўтди. Ҳануз бадиий адабиёт билан ҳамнафасман. Китоб дўконига кирганимда Асрор муаллим мени кузатиб тургандай бўлади. Пенсияда кексалик гаштини сураётган устозни йўқлаб борганимда қайси асарларни ўқиётганимни сўрайдилар.

табрикка шошилмадим. Кўпчиликнинг сўзларини эшитиб бўлган, микрофонга яқинлашдим.

– Мен бугун оддий, камгап, фидойи, оилам, шахсий ҳаётим учун кадрли инсонни табриклагани келдим. Олтин синфдалигимда Нормамат ака мени битта тарсаки билан жазолаганди. Ҳаёт шуни кўрсатдики, бу тарсаки жазо эмас, муқофот экан. Чўнки ўшандан кейин менда илм олишга, одоб-ахлоқ меъёрларига нисбатан муносабат ўзгарди. Шу боис сизларнинг иштирокингизда муаллимимга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Кам бўлманг, устоз, 60 йиллик тўйингиз муборак бўлсин! – дедим.

Табригимдан сўнг муаллимим беихтиёр ўрнидан турди.

– Очиғи, тўйим бир томон, собиқ ўқувчим, нуфузли раҳбарнинг сўзи бир томон бўлди. Яширайман, кўнглимда бошқа гумонлар юрарди. Уша шапалоғим эвазига катта одамдан қачон гап эшитаркинман, деб ўйлардим. Мана, бугун, “ҳисоб-китоб” қилдик. Бундай бахт, бундай шараф ҳар бир ҳамкасбимга насиб этишини истаيمان. Гап ўқувчиға нисбатан катъий чора қўллашда эмас, балки ҳар бир ҳаракатнинг самимий, юракдан бўлишида. Ҳадик билан юришларим бу – ўқувчимга хурматим эди, – деди ўқитувчим.

**Хуршида ЭРНАЗАРОВА тайёрлади.**



**Устозлик мартаба саналади. Дарс берувчи барча муаллим ҳам бу мартабага эришавермайди. Устозлик шогирдга нимаики бериш имкони бўлса, беминнат ва меҳр билан беришдир. Устозлик ақл ўргатиш эмас, ибрат орқали ақл беришдир. Устоз агар чин дилдан меҳр қўйса, ишонса, шогирдининг инжиқликларини ҳам кўтариши керак. Ўз ибратли ҳаёти, ҳаётга нуқтаи назари, машаққатли меҳнати, мартабаси билан гарчи бевосита сўхбатлашмаган бўлса-да, кўпчиликка устоз бўлган, кўпчилик ҳавас қиладиган кишилар бор. Улар биз учун доимо виждон, иймон, ҳалоллик, энг муҳими иштиёқ ва олижаноблик тимсолидир.**


## Қалб нурга интилади

**Устозлар деганда биз одатда илк бор ҳарф ўргатган, у ёки бу касбга йўналтирган, бирор ишни бошлашда чин дилдан кўмаклаган кадрли инсонларни тилга оламиз. Хусусан, 1-синфда ўқитган муаллимни эсламайдиган киши бўлмаса керак. Ҳўш, биз уларни нега эслаймиз, ҳарф ўргатгани учунми, ўқишни ўргатгани учунми?**

Ёшим улғайгандан кейин мени Жумадаги 8-мактабда илк бор кутиб олган Дилбар опа Ҳайитова салоҳиятини тушуниб етгандек бўлдим. Муаллима кўзимга шу қадар меҳрли кўринганки, биринчи учрашувда-ёқ бағрига босганида у кишида она меҳрини ҳис қилганман. Бошқа болалар ҳам онани шу қадар севишарди. Айниқса, у кишининг кўзларидаги меҳр қалбимизга ширин туйғулар бағишларди. Сўхбатлашганда тўти-либ қолсак, гапимизни тўғрилайди, хатомизни жуда мулоимлик билан тушунтирарди. Ана шу меҳр туфайли биз опа ўргатган ҳарфларни иштиёқ билан тўлиқ ўзлаштиришга ҳаракат қилганмиз. Эҳтимол, ана шу меҳр туфайли бизда илм олишга ҳавас кучайгандир. Менимча шундай.

Дарвоқе, Д.Ҳайитовани мактабдаги ҳамма ўқитувчилар ҳурмат қилишарди. Муаллима касбига садоқати, ишига меҳри, шогирдларига муҳаббати, ҳамкасбларига самимияти туфайли эътирофга эришган.

Бир кун муаллима уйимизга келди. Мен уялибми, кўрқибми, уйга кириб кетдим. У киши отам – адабиёт фани ўқитувчиси, шоир Мели Бобоку-



лов билан анча сўхбатлашди. Муаллима чикиб кетганидан кейин отам мени чақирди.

– Қизим, муаллиманг одобингни, иштиёқингни мактадилар. Унга шеър ҳам ўқиб берясанми?

Мен “йўқ” ишорасини қилдим. Эртасига эса ўқитувчимга отам ўргатган шеърлардан ўқиб бердим. Кейинчилик у киши мендан бу нарсани кўп такрорлашимни сўрарди. Натижада ҳар икки кунда битта шеър ёдлаб келишга мажбур бўлдим. Муаллима бу одатимни бошқаларга ҳам ўргатди.

Яқинда қайсидир ота-онанинг

### Эхтиром

ўқитувчини ҳақоратлаганини эшитиб, ҳайрон қолдим. Агар ишонмасангиз, нега болангизни ўқитувчи қўлига бердингиз? Қолаверса, қайси муаллим ўз шогирдининг ёмон бўлишини истайди? Аслида тарбияси ёмон бола яхши дарс ўқимайди. Назаримда, бу қонидани ота-оналарга яхшироқ, жиддийроқ тушунтири олмаганмиз. Масалан, биз агар ўқитувчи уйимизга келиб, ота-онани билан сўхбатлашса, айниқса, отамиздан дакки эшитишдан ҳадик-сираб турардик. Чўнки муаллимнинг мулоҳазаси ота-оналарга энг яхши тавсия эди.

Дарвоқе, қамина айнан Дилбар опамнинг меҳрли сиймоси, самимий қалби учун доимо у кишидек муаллим бўлишни орзу қилганман. Бир мен эмас, бошқалар ҳам ана шу ҳаёлга мойил эди. Муаллимнинг ўғитлари, юриш-туришидаги ибратли менга ҳануз ёрдам беради.


Нима учундир ана шундай пайтда бугунги ҳаётимизда ҳам Дилбар опа Ҳайитоваға ўхшаган муаллимлар борми, улар сафи кўпми, деб ўйланиб қоламан. Алломаларимиздан бири “Мактабнинг мавқеи муаллимда” деганида минг қарра ҳақ экан. Мен эса Устозлар куни арафасида ният қиламан: Дилбар опамдек муаллимлар кўп бўлсин...

**Инобат БОБОҚУЛОВА, Самарқанд шаҳар 1-сон ФХДБ бўлими мудираси, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

Йиллар инсонга турфа ҳаёт тарзини туҳфа этадики, унинг таъсирида баъзан изтироз чекасан, баъзан жамият, инсоният тараққиётига маълум даражада ҳисса қўшишга интиласан. Бугунги кунимизнинг ҳақиқий фидойиси сифатида маърифат йўлини босиб ўтган инсоннинг ҳаётига назар солишни лозим топдик.

## Асрга тенгдош устоз-мураббий

Каттақўрғон туманининг Ёнбошсой қишлоғида 1929 йилнинг 1 октябрыда оддий, аммо ўз даврининг зиёли оиласида бир йи-гит дунёга келди (унинг ота-онаси ҳадис ва Қуръон илимидан сабоқ чиқарган, аммо ўша давр мафкуравий қарашлари тили билан айтганда, "саводсиз" оилада туғилган). Ота-онаси унга яхши ният ила Қурбон деб исм қўйди.



Қишлоқларида педагогик фаолиятини олиб борди. Ўз уйдан 10-12 километр узоқликдаги қишлоқларга баҳорнинг ёмғирли, ёзнинг жазирама, кузнинг изғирин, қишнинг қорли ва совуқ кунларида пиёда қатнаб, ёшларга сабоқ берди.

Қурбон етти йиллик таълимни ўзи туғилиб ўсган қишлоқ мактабидан олди. Қолган уч йиллик таълимни Хатирчи туманидаги 20-мактабда давом эттирди. Мактабни муваффақиятли тамомлаган Қурбон Ужанов 1953 йилда Бухоро давлат педагогика институтининг химия ва биология факультетига ўқишга қабул қилинди.

Оғир, аммо мураккаб даврнинг барча жихатларини татиб кўрган Қурбон ака педагогика институтида яхши таҳсил олди, узоқ йиллик шарафли касби билан халқнинг орасида иззат-обрў топди.

1941-1945 йилларда уруш ортида оддий инсонлар қаторида фидокорона меҳнат қилди. Урушнинг суронли кунларида Ватан ва ғалаба учун тинимсиз меҳнат қилди, чунки йигитлар жуда кам, асосий қисми фронтга сафарбар этилган, оғир меҳнатнинг барча тури эндигина ҳаётга қадам қўяётган ёшлар зиммасида қолганди.

1946-1952 йилларда Хатирчи туманида колхозда ишлади.

1954 йилда педагогларнинг тақчиллиги сабаб Қурбон Ужанов ва унинг сафдошлари ҳудудлардаги мактабларга махсус буйруқ орқали ишга юборилди. Ана шу йилдан устознинг энг мураккаб даври бошланди.

Устоз 1989 йилгача Каттақўрғон туманига қарашли Ёнбошсой, Андоқсой, Бургансой ва Қўшховуз

Хорижий тилларни ўрганишга талаб ошмоқда. Агар имконият яратилса, қишлоқ ёшлари ҳам хорижий тилларни астойдил ўрганади. Бунинг учун нодавлат таълим ташкилоти очиб истагида бўлган тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш лозим.

## Қишлоқларда хорижий тиллар ўқитилади

Вилоятдаги қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун тадбиркорлик субъекти бўлган нодавлат таълим ташкилотларига маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан 50 миллион сўмгача бир марталик субсидиялар камда 6 ой муддат давомида қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш шартли билан ажратилади.

Бу ҳақда вилоят ҳокимининг 2022 йил 29 сентябрдаги 375-7-0-Қ/22 қарорида белгиланди. Ушбу қарор Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги "Қишлоқ ҳудудларида хорижий тилларни ўқитиш фаолиятини ташкил этиш учун нодавлат таълим ташкилотларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинди.

Янги Ўзбекистон дунё кўз ўнгида инсонпарвар давлат сифатида шаклланоқда. Учинчи Ренессанс яратадиган авлод камолга етмоқда.

Таълим тизими фахрийси сифатида бугун соҳада хизмат қилаётган ҳамкасбларим ва шогирдларимга ҳавас қиламан. Чунки ўқитувчининг меҳнати кадр то-пяпти, эътироф этилапти, катта имкониятлар эшиги улар учун очик. Мустақилликкача бўлган даврда "жонимизни жабборга бериб" ишласак-да, кўринмасди, эътироф ҳам этилмасди.

Буни раҳматли дўстим, моҳир педагог, ўз даврида таълим соҳасига муносиб ҳисса қўшган ўқитувчи Омонтурди Қодиров мисолида келтираман. Инсоннинг ҳалол меҳнати беҳиз кетмас, бугун бўлмаса, эртага халқимиз томонидан қадрланар экан. "Таълим, одамларни маърифатли қилиш бир-икки йилда бўй кўрсатадиган иш эмас. У узоқ вақт, фидойилик, машаққатли меҳнат талаб қиладиган соҳа", дерди сафдошим.

Нуробод туманининг Бошқудуқ қишлоғида туғилиб, камолга етган О.Қодиров умрини халқ хизматида бахшида этди. Бор билими, педагогик маҳоратини элнинг маданияти, маънавиятини юксалтиришга сафарбар қилди. Қишлоқ аҳолисининг

## Элнинг ардоғида эди

фаровон турмуши учун курашди.

Самарқанд давлат университетининг математика факультетини битирган О.Қодиров тумандаги 97-мактабда ўқитувчиликдан мактаб директорлигигача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди. Янги директор ишни қишлоқдан етишиб чиққан маҳаллий кадрларни мактабга жалб қилишдан бошлади. Ўқитувчилар тайёрлаш олийгоҳи ва билим юрларини тамомлаган ёш мутахассислар Эшмуҳаммад Пардаев, Гадоий Муқимов, Хайит Баротов, Амир Норбоев, Барака Мухаммадиев, Мели Қуддусов, Зариф Ашуров, Зулхон Хайдаров, Худойберди Рустамовларни ўқитувчиликка қабул қилди. Билим юрларини тугатган ёш маорифчиларнинг олий ўқув юрларида таҳсил олишларига имконият яратди. Ушбу хайрли ишлар баробарида мактабдаги таълим сифатини ошириш мақсадида синфхоналарни кўргазмали қуроллар, дарсликлар, бадий адабиётлар билан таъминлашга эътибор қаратди.

Унинг ташкилотчилик қобилияти, ишжоеги туман раҳбарлари эътиборига тушди ва у 1968 йилда Улус қишлоқ кенгаши раислигига тайинланди. Энди ёш



раҳбар кенгаш ҳудудидаги мактабларни таъмирлаш, синфхоналарни керакли ўқув қуроллари билан жиҳозлаш, маҳаллаларни ободонлаштириш ишларида жонбозлик кўрсатди.

...Омонтурди билан бир қишлоқда ўсиб улгайдик. Иккинчи жаҳон уруши даврининг азобларини бирга тотганмиз. Қишлоқдаги барча эркаклар урушга жалб қилинган, оғир меҳнатларни бажариш

кексалар, аёллар ва биз, болаларга қолганди. Ерни омон билан ҳайдаш, ғалла экиш, ҳосилни қўлда ўриш, чорва боқиш зиммамизда эди. Дарслик, дафтар, ручка, сумкамиз бўлмаса-да, ўқирдик.

О.Қодиров фидойи ўқитувчи бўлиш билан бирга меҳрибон ота эди. У солиҳ ва қобил ўғил-қизларга оталик қилди. Фарзандларини ўқитиб, эл қорига ярайдиган мутахассис ҳуқуқшунослар ва мураббийлар қилиб тарбиялади. Улар республикамизнинг нуфузли давлат ташкилотларида отаси ўғитларига амал қилиб, меҳнат қилмоқда.

Муаллим педагогик маҳорати, таъсирчан ўғитлари, соҳада орттирган тажрибаси туфайли инсоннинг қалбига таъсир кўрсатиб, жамиятда ўз ўрнини топишига нуфузли давлат ташкилотларида отаси ўғитларига амал қилиб, меҳнат қилмоқда.

Омонтурди ҳеч кимдан, ҳеч қачон рағбат кутмасдан, ҳолис ва ҳалол меҳнат қилди. Унинг муқофоти Ватанига, касбига содиқлиги, эл ардоғида яшагани бўлди.

**Барот АМИРОВ,**  
меҳнат фахрийси,  
"Шухрат" медали соҳиб.

## Эркак ўқитувчининг ўрни бор

Нарпай тумани марказига яқин Буюк ипак йўли маҳалласида туғилиб ўсдим. 30-мактабда математика фанидан дарс берган устоз Озод Султоновга ҳавас қилиб, ўқитувчи бўлишни орзу қилганман. Шу орзу-ҳавас мени Самарқанд давлат университетига етаклади.

1985 йилда олий ўқув юртини тугатиб, Нарпай тумани дашт ҳудудининг энг чекка қишлоғида жойлашган 27-мактабда ишлаб бошладим. Ўша пайтда бу ерда саноклигина уйлар бўлиб, таълим муассасамиз ҳам бировнинг ҳовлисида фаолият олиб борган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгунча пасткам, кўримсиз хоналарда дарс бердик. Ўзимизнинг ишимиз қолиб, турли мажбурий меҳнатларга жалб қилинардик. Кейинчалик мактаб учун янги бино қуриб берилган бўлса-да, ўқитувчи қадрланмади. Ойлик маошлари рўзгор тебратишга ҳам етмайдиган даражада бўлгандан кейин кўпгина эркак ўқитувчилар мактабни тарк этди. Муаллимликдан кўра, тадбиркорлик, устачилик билан шуғулланишни афзал билди. Аксарияти ишлаш учун хорижга кетди.

Мактабда саноклигина эркак ўқитувчилар қолганди. Шулардан бири мен эдим. Муаллим-

ликдан ташқари томорқада деҳқончилик билан шуғулланардим. Баъзи пайтлар биз, ўқитувчиларни пахта терими ёки бошқа ҳашарларга жалб этишганларида қийналиб қолардик. Борига шукр қилиб, шу кунларга етиб келдик.

Мана, кейинги 5-6 йил ичида ўқитувчиларга эътибор кучайди. Ишлаган устознинг меҳнати қадрланяпти. Пенсия ёшида бўлсам ҳам ҳамкасбларим (аксарияти ўзимнинг шогирдларим) мактабни тарк этишимни истамайди. Педагогик жамоа орасида ҳам устоз-шогирд аънанаси яхши йўлга қўйилган. Мактабимизда йил сайин эркак устозларнинг сафи кенгайиб борапти. Оилада отанинг ўрни қай даражада бўлса, мактабда эркак ўқитувчиларнинг ҳам ўрни алоҳида. Битирувчиларимизнинг олий ўқув юртига кириш кўрсаткичи ортиб боришида ҳам эркак ўқитувчиларнинг ҳиссаси катта.

**Баҳром НОРҚУЛОВ,**  
"Шухрат" медали соҳиб.

## Йилнинг энг яхши кутубхоначиси

Вилоят ахборот-кутубхона марказида "Йилнинг энг яхши ахборот-кутубхона мутахассиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда 20 нафар ахборот-кутубхона марказлари мутахассислари иштирок этди.

Иштирокчилар кутубхоначилик соҳаси, АКТ ва ҳуқуқий саводхонликдан тест синовлари топширди. Шунингдек, кутубхоначилар китобларни тарғиб ва тавсия қилиш ҳақида видеоролик яратиб, йиғилганлар эътиборига тақдим этди.

Якуний натижаларга кўра, вилоят ахборот-кутубхона маркази мутахассиси Насиба Мирзаева ғолибликни қўлга киритди ва танловнинг республика босқичига йўлланма олди.

**Нафиса ПАРДАЕВА.**



## Устозингизни қачон йўқлагансиз?

Бир кун ҳамкасб дўстларим билан суҳбатлашиб ўтирганимизда, биринчи ўқитувчи мавзусида гап кетди. Ҳар биримиз алифбони ўргатган устозларимизни эсга олдик. Ҳамкасбларимдан бири қўлига илк бор қалам тутган устози оламдан ўтганлигини айтиб, унинг ҳақиқа дуо қилишимизни илтимос қилди. Яна бири мактабни битирганидан буён биринчи ўқитувчисини кўрмаганини айтиб, афсусланди.

Мақтанишга йўманлар, - дея гап бошлади ҳамкасбим Тўлқин Сиддиқов. - Ҳар йили 1 октябрда биринчи ўқитувчим Дилбар Солиевани йўқлайман. У ҳеч биримизга бегона эмас аслида. Журналистика соҳасида кўпчилигимизнинг устозимиз кўшрабтолик (охирати обод бўлсин) Мамадиёр Зиёддиновнинг турмуш ўртоғи. Ҳар байрамда Дилбар опага бир йил давомида эришган ютуқларим, буларга эришишда устознинг ҳиссаси катта эканлиги ҳақида гапириб берарман. У узоқ дуо қилади.

Мен эса биринчи ўқитувчимни ҳар кун йўқлайман, - дедим қўлиб. - Нафақат устозлар кунда, ҳар байрамда, арзимас бўлса-да, совғалар олиб борарман. Ҳар кунги ютуқларим ва ташвишларимдан хабардор қилиб тураман. Ҳар ҳафта дуосини олиб, кўчага чиқаман. Менинг биринчи ўқитувчим - онам.

Кейин ўйлаб қолдим. Ҳеч бир байрамда онамдан бошқа устозларимнинг ҳолидан хабар олманган эканман. Бу йилги Ўқитувчи ва мураббийлар кунини олдида мактабда юқори синфларда бизга раҳбарлик қилган, она тили ва адабиёт фанидан дарс берган устозимиз Эйтибор Худойкуловани йўқлашни ният қилдим.

Ўзим ўқиган Паст Даргом туманидаги 56-мактабга бордим. Бу ерда бизга дарс берган устозлар, ҳатто бугун ўқитувчилик қилаётган синфдош дўстларим мени қарши олди. Уларни касб байрамлари билан қутлаб, устоз Эйтибор Худойкуловани айём олдидан атайлаб йўқлаб келганлигимни айтдим.

Жуда хурсандим, шогирдлар йўқлови ҳар бир устоз учун катта бахт, - деди мактаб директори Шахло Саидмуродова. - Муассасамизда 680 нафар ўқувчига 47 нафар ўқитувчи таълим-тарбия беради. Шулардан бири катта тажрибага эга муаллима Эйтибор Худойкуловадир. У мактабда кўпгина ўқитувчиларнинг ҳам устози.

Ўқувчиларга таълим бериш билан бир қаторда, ёш ўқитувчиларнинг малакасини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Эйтибор опа тумандаги барча она тили ва адабиёт ўқитувчиларига устозлик қилапти. Сабаби, у туман халқ таълими бўлими томонидан ташкил этилган мобил гуруҳ мураббийи ҳамдир.

Мактаб директори мени ўқитувчилар хонасига бошлади. Эйтибор опа шу ерда кейинги дарсига тайёргарлик кўраётган экан.

Устоз билан суҳбатлашдим. У оммавий ахборот воситаларидаги ижодий ишларимни кузатиб боришини айтди. Мен эса ундан шу пайтгача хабар олманганим учун узн сўраб, фаолияти ҳақида гапириб беришини илтимос қилдим.

Кейинги йилларда биз, ўқитувчилар кадр топялмиз, - деди у. - Аввало, таълим муассасамиз ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабига айлан-тирилгани биз учун қувонарли бўлди. Уйлаб қарасам, бундан бир неча йил аввал бир ўқув йилида бор-йўғи бир ойгина мактабда дарс ўтиш билан шуғулланиб, қолган пайтларини бошқа юмушлар билан ўтказган эканмиз. Бу - ҳақиқат. Ўқув йили пахта териш мавсуми билан бошланиб, узум узиш, ток кўмиш билан давом этарди. Орада киши таътилдандан ташқари, бир ой ёки ундан зиёдроқ вақт давомида мактабда дарс берган бўлсақ, баҳор келиши билан кўчаларни ободонлаштиришга киришиб кетардик. Баъзан янги уйлар қурилишида ҳам ўқитувчилар ўз ҳиссасини қўшган бўлса, ўқув йилимиз фўзани яғана қилиш билан тугарди. Шукурки, бугун барчаси ортда қолди.

Суҳбатимиз давомида Эйтибор Худойкулова шогирдлар муваффақияти устознинг бахти эканлигини кўп бор тақдорлади. Хайрлашар чоғида ҳам шогирдлари ютуғи бардавом бўлишини тилаб, дуо қилди.

**Бахтиёр МУСТАНОВ.**

## Эътироф куч-ғайрат бағишлади



Юртимизда бугун мактабгача таълим тизимини ривожлантириш борасидаги ислохотлар жараёнида нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўплаб имтиёз ва энгилликлар берилляпти.

Мен ҳам ана шу имкониятлардан фойдаланиб, 2019 йилда нодавлат мактабгача таълим ташкилоти очиб ҳаракатига тушдим. Бунинг учун 40 сотих ер майдони ажратиб берилди. Замонавий боғча қурдик. Фаолиятимизни 10 нафар ишчи билан бошлаган бўлсак, ҳозир уларнинг сони 20 нафарга етди. Муассасамизда 200 нафарга яқин бола тарбияланмоқда.

Энди тадбиркорлик фаолиятимизни кенгайтириб, 50 ўринли клиника ва 100 ўринли хусусий мактаб очишни режалаштирганмиз.

Ўқитувчи ва мураббийлар кунини арафасида Президентимиз фар-

монига кўра, II даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирландим. Бу эътибор, рағбат, давлат раҳбарининг эътиборидан жуда хурсанд бўлдим. Кеча муқофотни Олий Мажлис Сенати раиси қўлидан олиб, бундан буён ҳам юртимизда ёш авлод камолоти учун сидқидилдан меҳнат қилишни, давлатимиз тараққиётига ҳисса қўишни дилимга тугдим.

**Хусния РАҲМОНОВА,**  
Пайраги туманидаги  
"Happy Dreams House"  
нодавлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари.

## Боғчада тарбияланиш армон бўлган, аммо бугун тарбиячиман

Оқдарё туманининг Пилон қишлоғида туғилганман. Болалигимда боғчага боришни орзу қилардим. Аммо бу менга армон бўлган. Кейинги мақсадим мактабгача таълим ташкилотида ишлаш бўлди. Аммо мактабни битиришим билан ота-онамнинг раёйига қараб, турмушга чиқдим.

Ўқиш ҳам насиб қилмади, тарбиячи бўлиш ҳам армон бўлса керак, дегандим. Йўқ. Мамлакатимизда аёллар учун яратилган шароитлар, турмуш ўртоғимнинг розилиги ва кўмаги билан тарбиячилик мутахассислиги бўйича ўқиш насиб этди.

Бугун тумандаги 34-мактабгача таълим муассасасида ишляпман. Фаолиятим давомида бу соҳада узоқ йиллар меҳнат қилган фидойи устозларим Гулсал Пардаева, Туйғуноя Оқбўтаева, Малоҳат Бобоҳўжаеванинг маслаҳатларини олиб, кам бўлмадим. Янги педагогик технологиялардан, муаллифлигимдаги турли дидактик ўйинлардан фойдаланиб, болалар тарбияси билан шуғулланяпман.

**Шаҳноза ҚУРБОНОВА.**

**“Агробанк” акциядорлик-тижорат банки мамлакатимиздаги энг йirik банк бўлиб, республика бўйлаб кенг филиаллар тармоғига эга. Хусусан, банкнинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва филиаллари ҳам узоқ йиллардан буён самарали фаолият юритиб келмоқда.**

# “АГРОБАНК”: ҲАР КИМ ЎСИШГА ҚОДИР



– “Agrobank” карталаридан фойдаланувчи доимий даромад манбаига (иш ҳақи, устама, пенсия, стипендия ва бошқалар) эга бўлган жисмоний шахсларга 2 йил муддатга 50 миллион сўмгача ажратилади. Бунда қарз олувчи жисмоний шахсга ажратилган кредитнинг бир ойлик тўлов миқдори унинг охириги 6 ой давомида олган даромади ўртасининг 50 фоиздан ошмаслиги лозим.

**“Кредит карта” очиб** – кредит 4 йил муддатга 50 миллион сўмгача ажратилади. **Карта имкониятлари:**

- банккомат орқали нақдлаштириш;
- мобил илова орқали онлайн тўловлар;
- савдо нўқталари орқали тўловни амалга ошириш;
- P2P хизмати орқали бошқа карталарни ўтказиш.

**“Автокредит”** – кредит фоиз ставкаларига қараб, 1 йилдан 4 йил муддатгача, сотиб олинган автотранспорт воситаси қийматининг 75 фоизи миқдориде ажратилади. Автотранспорт воситасини дилерлик компаниясидан ёки реализация қилувчи ташкилотдан сотиб олиш учун пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**“Таълим кредити”** – Республикадаги барча олий таълим муассасаларининг бакалавр ва магистратура босқичларининг кундузги таълим шаклида тўлов-контракт асосида тахсил олувчиларга (Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган резидент талабаларга ва уларнинг ота-оналарига ёки вассийларига) ажратилади. Бунда кредит талаба ўқув юртини тамомлагандан сўнг еттинчи ойдан бошлаб, 7 йил давомида асосий қарзини қайтариш шарти билан берилади.

**“Ипотека кредитлари”** – бирламчи уй-жой бозоридан квартира сотиб олиш учун ҳамда яққа тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун 6 ойлик имтиёзли давр билан 20 йил муддатга берилади. Қоралпоғистон Республикаси ва вилоятларда кредитнинг энг кўп миқдори 327,2 миллион сўм ва Тошкент шаҳрида ипотека кредитининг энг кўп миқдори 416,5 миллион сўм этиб белгиланган.

**“Ипотека кредитлари”** – кўп квартиралар уйларидаги квартира ёки яққа тартибда қурилган (қарз олувчи яшаш кўзда тутилган ва фойдаланишга топширилган) уйлари сотиб олиш ва таъмирлаш учун миқдор ва турмуш ўртоғи ариза билан мурожаат этган вақтда ипотека кредити мавжуд бўлмаган ва доимий даромадга эга бўлган жисмоний шахслар учун ажратилади. Кредит бирламчи ва иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун 20 йил муддатгача, уй-жойларни таъмирлаш (ремонт) учун 10 йилгача муддатга берилади. Кредит миқдори бирламчи ва иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун уй-жой қийматининг 75 фоизгача (400 миллион сўмдан ошмаган), уй-жойларни таъмирлаш (ремонт) учун 80 миллион сўм этиб белгиланган.

**Банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан ажратилган “Ипотека кредитлари”** – кўп қаватли уйлardan квартира сотиб олиш, яққа тартибда уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун 10 йил (имтиёзли давр 1 йил) муддатга ажратилади. Кредит миқдори квартира сотиб олиш учун БҲМнинг 2500 баробаригача, яққа тартибда уй-жой қуриш ва сотиб олиш учун БҲМнинг 3000 баробаригача этиб белгиланган.

**Юридик шахсларга:**  
**“Онлайн кредит”** – сўнги 6 ойда мунтазам пул тушумига эга бўлган юридик шахслар-

га 6 ойлик айланмасининг ўртача 1 ойлиги миқдориде (50 миллион сўмгача), тадбиркорлик субъектлари учун миллий валютада бериледи. Бунда 1 йил муддатга револьвер шаклида, 6 ой имтиёзли давр, сўнги 6 ой давомида ҳар 30 кунда кредит сўндирилади ва қайта ажратилади.

**Маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар учун “Револьвер кредити”** – 1,5 йил муддатга револьвер шаклида (охириги 6 ойда тенг тақсимланган суммада қайтарилади) сўнги 6 ойлик пул тушуми миқдориде (максимал суммаси 50 минг АҚШ доллари эквивалентига) айланма маблағларини тўлдириш учун миллий валютада ажратилади.

**Дори-дармон ва табибёт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар учун “Револьвер кредити”** – 1,5 йил муддатга револьвер шаклида (охириги 6 ойда тенг тақсимланган суммада қайтарилади) сўнги 6 ойлик пул тушуми миқдориде (максимал суммаси 50 минг АҚШ доллари эквивалентига) айланма маблағларини тўлдириш учун миллий валютада ажратилади.

## ОМОНАТЛАР

**Миллий валютада:**

**“Бахтли болалик” жамғарма омонати** – омонат ўн олти ёшга тўлмаган ва вояга етмаган шахс номига ота-онаси, фарзандликка олувчиси ёки вассийси томонидан расмийлаштирилади. Маблағлар 36, 60 ва 120 ой муддатга Марказий банкнинг асосий ставкасида қабул қилинади. Омонатнинг энг кам миқдори 100 минг сўм.

**“Комфорт” жамғарма омонати** – омонат 13 ой муддатга қабул қилинади. Унинг энг кам миқдори 500 минг сўм. Ҳисобланган фоизлар ойда бир марта миқдор талабига биноан нақд пулда бериледи ёки автоматик равишда унинг пластик карта ҳисоб рақамига ўтказилади.

**“Прогресс” муддатли омонати** – омонат 13 ой муддатга қабул қилинади. Унинг энг кам миқдори 500 минг сўм. Омонатга фақат омонат ҳисоб рақами очилган санада нақд пулда ва нақд пулсиз маблағлар қўшиш мумкин.

**Хорижий валютада:**

**“Express” жамғарма омонати** – омонат фоиз ставкаларига қараб 3, 9, 13 ва 18 ой муддатга қабул қилинади. Унинг энг кам миқдори 100 АҚШ доллари. Ҳисобланган фоизлар ойда бир марта миқдор талабига биноан нақд пулда ёки автоматик равишда пластик картага ўтказилади.

**“Capital” муддатли омонати** – омонат фоиз ставкаларига қараб 3, 6, 9 ва 13 ой муддатларга қабул қилинади. Унинг энг кам миқдори 100 АҚШ доллари. “AgrobankMobile” мобил иловаси ёрдамида жалб қилинган

омонатларга ҳисобланган фоизлар автоматик равишда пластик картага ўтказилади.

**Юридик шахсларга “Business +” омонати** – омонатга маблағлар 12 ой ва ундан юқори муддатларга миллий валютада қабул қилинади. Унинг энг кам миқдори 5 миллион сўм. Фоизлар ҳар ойнинг охириги иш кунда тўлаб бериледи. Муддатидан олдин қисман ечиш учун банкни камида бир ой олдин хабардор қилиш лозим.

## ПЛАСТИК КАРТАЛАР:

**“Кобренд карта”** – амал қилиш муддати 5 йил, картани расмийлаштириш БҲМнинг 15 фоизи миқдориде.

**“Virtual карта” (Humo, Visa)** – амал қилиш муддати 2 йил, картани расмийлаштириш бепул.

**“Humo кобейж” картаси** – амал қилиш муддати 5 йил, картани расмийлаштириш БҲМнинг 15 фоизи миқдориде.

**Халқаро “Visa Classic” картаси** – картани расмийлаштириш бепул. Агробанк банккоматларидан нақд хорижий валютани ечиш бепул. Суғурта депозити 5 АҚШ доллари миқдориде.

**Халқаро “Visa Gold” картаси** – картани расмийлаштириш – 50 000 сўм. Агробанк банккоматлари орқали нақд миллий валютани ечиш бепул. Суғурта депозити 10 АҚШ доллари миқдориде.

**“Visa” мультивалюта картаси** – картани расмийлаштириш БҲМнинг 15 фоизи миқдориде. Агробанк банккоматларидан нақд хорижий валютани ечиш бепул. Суғурта депозити 100 минг сўм.

**“UnionPay” кобейж картаси** – картани расмийлаштириш БҲМнинг 15 фоизи миқдориде. Агробанк банккоматларидан нақд хорижий валютани ечиш бепул. Суғурта депозити йўқ.

**“Visa Business” корпоратив картаси** – картани расмийлаштириш 100 000 сўм. Йиллик хизмат кўрсатиш бепул. Суғурта депозити 50 АҚШ доллари миқдориде.

Бундан ташқари, “Агробанк” АТБ тизимидаги “Золотая корона”, “Юнистрим”, “RIA”, “Contact”, “Азия Экспресс”, “Агро експресс” ва “Money Gram” каби пул ўтказмалари орқали яқинларингизга тез ва осон пул ўтказмаларини амалга оширишингиз мумкин.

“Сбербанк онлайн” – алоҳида афзалликларга эга бўлган пул ўтказмаси Россия давлатидан пластик картангизга 24/365 режимда кун давомида хоҳлаган вақтингизда пул ўтказиш имкониятини беради.

Банкмиз хизматларидан фойдаланиш! Биз сизларга тезкор, ишончли ва фойдали хизмат кўрсатамиз!

Қўшимча маълумотлар, банк филиаллари манзиллари ва телефон рақамларини [www.agrobank.uz](http://www.agrobank.uz) сайтдан олишингиз мумкин.

*Хизматлар лицензияланган.*

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки ўз фаолияти давомида “Мижоз банк учун эмас, банк миқдор учун” тамойили асосида иш юритиши ўз олдига мақсад қилган. Бугунги кун талабларига мос фаолият юритишни асосий дастуриламал қилиб олган молия муассасаси 28 йилдирки, миқдорлар ва ҳамкорларнинг ишончини оқлаб келмоқда.**

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали ҳам вилоятда фаол тадбиркорликни, инновацион ҳолатлар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, филиалнинг молиявий кўмағида юртдошларимиз ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, оилавий тадбиркорлигини ривожлантирмоқда. Бунинг натижасида янги иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли бандлиги таъминланмоқда.

Умуман олганда, молия муассасасида юридик ва жисмоний шахсларнинг барча банк операцияларини амалга оширишлари учун имкониятлар мавжуд. Жумладан, ми-



“Трастбанк” Самарқанд филиали:

# ҲАР БИР МИҶОЗНИНГ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

Вилотнинг туман ва шаҳарларида филиал тасарруфидеги 13 та банк хизматлари марказлари мавжуд бўлиб, уларда аҳолига барча банк маҳсулотлари ва хизматлари кўрсатиб келинмоқда. Педагог ва шифокорлар учун имтиёзли равишда микроқарз ва автокредитлар ажратилмоқда.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки миқдорларга қулайликлар яратиш борасида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Молия муассасамизда бир йилдан ортқ меҳнат стажига эга Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари тизимидаги ҳамда банк муассасалари ходимларига имтиёзли равишда кредит ажратиш йўлга қўйилган. Мазкур тизимларда фаолият юритадиган ходимлар учун йиллик 22 фоиз ставкада микроқарз, автокредитлар тақдим этилмоқда.

Бундан ташқари, биржа савдолари иштирокчилари ва брокерлар учун ҳам имтиёзли равишда кредитлар берилмоқда. Жумладан, биржа савдоси битимларини махсус шартларда кредитлаш, персонал менежер хизмати, банклараро тўловлар ўтказиш вақти тугаганидан сўнг ҳам пул ўтказиш имконияти мавжуд.

Яна бир жиҳат, замонавий банк технологиялари, самарали таваккалчилик менежменти тизими, хизмат кўрсатишнинг юқори сифат даражасига асосланган барқарор бизнес фаолиятини йўлга қўйиш асосида хизмат кўрсатиш сифати оширилди.

Банкнинг Самарқанд филиали замонавий ахборот тех-

нологиялари воситасида банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда уларнинг турини кўпайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, бугунги кунда молия муассасасининг “Интернет-банкнинг”, “СМС-банкнинг” ва “Банк миқдор” каби масофавий банк хизматларидан миқдорлар фойдаланиб келмоқда. Бинобарин, “Интернет-банкнинг” хизмати миқдорга ўзининг банкдаги маблағини дунёнинг исталган жойидан интернет тармоғи орқали бошқариш имконини беради. “СМС-банкнинг” тизимидан фойдаланувчилар эса ўз ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида уяли алоқа телефонлари орқали доимий маълумотга эга бўладилар.

## ОМОНАТ ВА МИКРОҚАРЗЛАР ОНЛАЙН РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ

Молия муассасамиз инновацион ривожланиш, масофавий хизмат кўрсатишни тақомиллаштириш, онлайн ва “Мобил банкнинг” хизматларини риожлантириш борасида ҳам бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, масофавий банк хизматларини кўрсатиш мақсадида “Труст-Пай” мобил иловаси яратилган. Унинг ёрдамида миқдорлар онлайн конверциядан тортиб, микроқарз олиш ва омонатни расмийлаштиришга бўлган жараёни мустақил ўзи амалга ошириши мумкин.

Бундан ташқари, бугунги кунда миқдорларимиз 20 фоизгача бўлган жама 14 та омонат туридан фойдаланиш имкониятига эга. Банкмизда миқдорларга қулай шартларда омонатлар тақдиф этилади ва фуқаролар

омонатларининг қайтарилиши тўлиқ ҳимояланган. Яъни, банк томонидан омонат сифатида қабул қилинган маблағларнинг қайтарилиши “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Банкнинг Самарқанд филиали миқдорлари бугунги кунда “Contact”, “Money Gram”, “Western Union”, “Золотая корона”, “Unistream” каби халқаро пул ўтказмаларидан фойдаланиб келмоқда. Қолаверса, банк пластик картасига эга миқдорлар учун “Contact” ва “Unistream” тизими орқали онлайн халқаро пул ўтказмаларини қабул қилиб олиш имкониятлари яратилган.

Дарвоқеа, кўрсатилаётган банк хизматлари ҳақида маълумот олишни истаган тадбиркорлик субъектлари ва фуқаролар филиалнинг +99855 701-08-00 телефон рақамига ва +99855 701-69-62 рақамли “Ишонч телефони”га мурожаат қилишлари мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки Самарқанд филиали аҳоли турмуш шароитини яқ-



шилаш, истиқболли лойиҳаларни рўёбга қиқариш, миқдорлар талабини қондириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида барча имкониятларни ишга солишга тайёр.

Зеро, “Трастбанк” – ишонч билан юзма-юз!

**“Трастбанк” ХАБ ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*



жозлар миллий ва хорижий валютада ҳисобварақлар очиб, ҳисоб-китоб ва касса хизматларидан фойдаланиш, кредит ва лизинг орқали фаолиятларини ривожлантиришлари, “Интернет-банк” тизими орқали ҳисоб-китоб ишларини юритишлари мумкин.

Самарқанд вилояти педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази қуйидаги лавозимларга

# ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ ВА ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАФЕДРАСИГА:**

- кафедра доценти - 1 ўрин (Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи);

- катта ўқитувчи - 1 ўрин (мутахассислиги - педагогика).

**ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИГА:**

- кафедра доценти - 1 ўрин (Ўзбек тили ва адабиёти);

- катта ўқитувчи - 1 ўрин (мутахассислиги - рус тили ўқитувчиси).

**МАКТАБГАЧА, БОШЛАНГИЧ ВА МАХСУС ТАЪЛИМ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИГА:**

- катта ўқитувчи - 2 ўрин (мутахассислиги - бошланғич таълим ўқитувчиси).

**ИЖТИМОЙ ВА АМАЛИЙ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИГА:**

- кафедра мудири - 1 ўрин;

- катта ўқитувчи - 1 ўрин (мутахассислиги - тасвирий санъат ва чизмачилик фани ўқитувчиси).

**АНИҚ ВА ТАБИЙ ФАНЛАР МЕТОДИКАСИ КАФЕДРАСИГА:**

- ўқитувчи - 2 ўрин (мутахассислиги - информатика ўқитувчиси, кимё ўқитувчиси).

**НОМЗОДЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН МАЛАКА ТАЛАБЛАРИ:**

**Доцент лавозимини эгаллаш учун** - доцент илмий унвонига, катта илмий ходим ёки фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахслар широк этиши мумкин.

**Кафедра мудири лавозимини эгаллаш учун** - тегишли йўналиш бўйича профессор ёки доцент илмий унвонига, фан номзоди, фалсафа доктори (PhD), фан доктори ёки фан доктори (DSc) илмий даражасига, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг тегишли мутахассислик бўйича уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига эга бўлган шахслар широк этиши мумкин.

**Катта ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун** - тегишли йўналиш бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар (магистр дипломи мутахассислар), шунингдек, илмий даража (шу жумладан, фан номзоди, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (PhD) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларига) ва илмий унвонга эга бўлган шахслар қатнашиши мумкин.

**Ўқитувчи лавозимини эгаллаш учун** - танловда тегишли мутахассислик бўйича олий маълумотга эга бўлган шахслар (магистр дипломи мутахассислар) қатнашиши мумкин.

**ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚЎЙИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:**

- директор номига азира;

- ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;

- маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвони ҳақидаги дипломларнинг нусхалари (танлов ўтказилаётган вақтда дипломларнинг асл нусхалари кўрсатилади);

- илмий ишлар рўйхати;

- талабгорнинг очик дарси тўғрисида кафедра хулосаси.

**Ҳужжатлар газетада эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой мuddат давомида қабул қилинади.**

**Манзил: Самарқанд шаҳри Ҳасан Обиддинов кўчаси, 7-уй.**

**Мурожаат учун телефонлар:**

**+99866-238-80-99, +99899-113-62-15.**

**САМАРҚАНД ПЕДАГОГИКА МАРКАЗИ.**

### ДАЪВОЛАР БЎЛСА...

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасида марҳум Муминов Абдукадир Рахимовичга (2021 йил 6 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мирзаева Барно Жўракуловна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Жомбой тумани Зебунисо кўчаси, 4-“А” уй.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Алиева Лола Заировна нотариал идорасида марҳум Супанов Худойердига (2021 йил 1 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Алиева Лола Заировна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Мирзо Улугбек кўчаси, 80-уй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасида марҳум Орланов Қўшбоқга (2016 йил 30 декабрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 110-уй.**

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қоракўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасида марҳум Низамов Мах-

мудга (2021 йил 25 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қоракўзов Абдуазиз Муҳитдинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут тумани Почвон маҳалласи.**

Самарқанд шаҳрида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасида марҳум Раҳмонова Эргашойга (2022 йил 31 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Раҳимова Комила Фахриевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасида марҳум Маханов Сидик Амировичга (2019 йил 6 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Аширова Дилофруз Зиядуллаевна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд шаҳри Абдурахмон Жомий кўчаси, 64-уй.**

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Шомуродов Анвар Салимович нотариал идорасида марҳум Муминов Комилга (2021 йил 19 июлда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Шомуродов Анвар Са-

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сонли қарорига мувофиқ, илмий даражали кадрлар тайёрлаш тизимида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ўқитиш бўйича Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети 2023 йил учун таянч докторантура (PhD), докторантура (DSc) ва стажёр-тадқиқотчиликка қуйидаги йўналишлар бўйича

# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

T/p	Ихтисослик шифри	Ихтисослик номи	Докторантура (DSc)	Таянч докторантура (PhD)	Мақсадли докторантура (DSc)	Мақсадли таянч докторантура (PhD)	Стажёр-тадқиқотчилик
<b>Жами</b>			<b>6</b>	<b>118</b>	<b>10</b>	<b>20</b>	<b>26</b>
1	01.01.01	Математик анализ	1	3	0	1	0
2	01.01.02	Дифференциал тенгламалар ва математик физика	0	3*	0	0	1
3	01.01.06	Алгебра	0	2	0	0	1
4	01.02.01	Назарий механика	1	1	0	0	1
5	01.02.03	Грунтлар ва тоғ жинслари механикаси	0	1	0	0	0
6	01.02.04	Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси	0	2*	0	0	0
7	01.02.05	Суюқлик ва газ механикаси	0	2	0	1	1
8	01.04.02	Назарий физика	0	2	0	0	1
9	01.04.05	Оптика	0	2	0	0	1
10	01.04.07	Конденсирланган ҳолат физикаси	0	2*	0	0	1
11	01.04.08	Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси. Тезлаштирувчи техника	0	2	0	0	0
12	01.04.09	Магнит ходисалари физикаси	0	2*	0	0	1
13	01.04.11	Лазер физикаси	0	1	0	0	1
14	02.00.01	Ноорганик кимё	0	2	0	0	1
15	02.00.02	Аналитик кимё	0	2	0	0	1
16	02.00.03	Органик кимё	0	2	0	0	1
17	02.00.04	Физик кимё	1	2*	0	0	1
18	02.00.06	Юқори молекуляр бирикмалар	0	2*	0	0	1
19	02.00.12	Нанокимё, нанофизика ва нанотехнология	0	2	0	0	1
20	03.00.05	Ботаника	1	3*	0	0	1
21	03.00.06	Зоология	0	2	0	1	1
22	03.00.07	Усимликлар физиологияси ва биокимёси	0	3*	0	0	1
23	03.00.08	Одам ва ҳайвонлар физиологияси	0	2	0	1	1
24	03.00.10	Экология	0	1	0	1	0
25	03.00.12	Биотехнология	0	2*	0	0	1
26	03.00.13	Тупроқшунослик	0	1	0	0	0
27	05.01.02	Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш	0	3*	0	0	1
28	05.01.03	Информатиканинг назарий асослари	0	1	0	0	1
29	05.01.07	Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи	0	3	0	1	1
30	06.01.01	Умумий деҳқончилик. Пахтачилик	0	1	0	0	0
31	06.01.03	Агротупроқшунослик ва агрофизика	0	1	0	0	0
32	06.01.04	Агрокимё	1	1	0	0	0
33	06.01.06	Сабзавотчилик	0	1	0	0	0
34	06.01.07	Мевачилик ва узумчилик	0	1	0	0	0
35	06.01.08	Усимликшунослик	0	1	0	0	0
36	06.01.09	Усимликларни химоя қилиш	0	1	0	0	0
37	07.00.01	Ўзбекистон тарихи	0	3	0	2	0
38	07.00.03	Жаҳон тарихи	0	1	0	0	0
39	07.00.06	Археология	0	2	0	0	0
40	07.00.08	Тарихшунослик, манбаъшунослик ва тарихий тадқиқот усуллари	0	1	0	1	0
41	08.00.01	Иқтисодиёт назарияси	0	1	0	0	0
42	08.00.05	Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти	0	2	0	1	1
43	08.00.10	Демография. Меҳнат иқтисодиёти	0	2	0	0	1
44	09.00.01	Онтология, гносеология ва мантиқ	0	1	0	0	0
45	09.00.02	Онг, маданият ва амалиёт шакллари фалсафаси (номи)	0	1	0	0	0
46	09.00.03	Фалсафа тарихи	0	1	0	0	0
47	09.00.04	Ижтимоий фалсафа	0	1	0	1	0
48	10.00.01	Ўзбек тили	0	2	0	1	0
49	10.00.02	Ўзбек адабиёти	0	2	0	1	0
50	10.00.05	Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти	0	2	0	1	0
51	10.00.06	Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик	1	7	0	1	0
52	11.00.01	Табиий география	0	2	0	1	1
53	11.00.02	Иқтисодий ва ижтимоий география	0	2	0	0	0
54	11.00.03	Куруқлик гидрологияси. Сув ресурслари. Гидрокимё	0	1	0	0	0
55	11.00.05	Атроф-муҳитни муҳофазат қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш	0	2	0	0	0
56	13.00.01	Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи	0	4	0	1	0
57	13.00.02	Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (соҳалар бўйича)	0	6	0	2	0
58	13.00.04	Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва методикаси	0	3	0	0	0
59	13.00.06	Электрон таълим назарияси ва методикаси (таълим соҳалари ва босқичлари бўйича)	0	1	0	0	0
60	19.00.05	Ижтимоий психология. Этнопсихология	0	2	0	1	0
61	22.00.02	Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи	0	1	0	0	0

\* Ушбу ихтисосликка ажратилган квотанинг 1 нафари Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳайъатининг 2022 йил 29 апрелдаги 19-сон баёни билан тасдиқланган устувор йўналишлар бўйича хотин-қизлар учун ажратилган мақсадли квота.

**Ҳужжатлар 2022 йил 15 октябрда қабул қилинади.**

**Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни “PDF” шаклида тайёрлаб, олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи ягона электрон тизими (http://phd.mininnovation.uz) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда юборди ҳамда илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлимига тақдим этадилар:**

- ариза;
- қисқача биографик маълумот (объективка - намуна 3.5 шакл бўйича Ўзбекча ва русча шаклда);
- меҳнат дафтarchасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумоти (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисида диплом нусхаси.
- наshr этилган илмий ишлар рўйхати, шунинг-

- дек, уларнинг нусхалари (камида 1 та мақола ва 2 та тезис);
- паспорт нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендияси ҳужжати нусхаси (мавжуд бўлса);
- IELTS, TOEFL ёки бошқа тан олинган сертификатлар (мавжуд бўлса).

**Докторантурада (DSc) ўқишга талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни “PDF” шаклида тайёрлаб, олий таълимдан кейинги таълимни мувофиқлаштирувчи ягона электрон тизими (http://phd.mininnovation.uz) орқали рўйхатдан ўтган ҳолда юборди ҳамда илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлимига тақдим этадилар:**

- ариза;
- қисқача биографик маълумот (объективка, намуна бўйича 3.5 шакл, Ўзбекча ва русча шаклда);
- меҳнат дафтarchасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумоти, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;

лимович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Самарқанд тумани Ўрташиқ маҳалласи.**

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасида марҳум Турсунов Рустам Амоновичга (2021 йил 11 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ҳошимов Ғолиб Бахтиёрович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Ургут шаҳри Боғи Усмон мавзеси.**

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Мухам-

мадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасида марҳум Бердиева Хаитой Рахматовнага (2022 йил 23 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Мухаммадиев Фарход Жўракулович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

**Манзил: Пайариқ тумани Челақ шаҳарчаси, Истиклол кўчаси, 76-уй.**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Самарқанд банк коллежидан 2018 йилда Бўлтақова Қизлархон Баҳодир қизи номига берилган рўйхат рақами 806, К № 5114298 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\*

Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали академик лицейидан 2019 йилда Хуббинов Бекзод Ғайрат ўғли номига берилган L № 366305 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\* Самарқанд ахборот технологиялари коллежидан 2014 йилда Салихова Нодира Масуджоновна номига берилган рўйхат рақами 251, К № 3192639 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

\*\*\* Паст Даргом туманидаги “JABBORBEK DAVLATBEK JAXONBEK” фермер ҳўжалигининг (СТИР: 305121225) думалоқ муҳри ва бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг батафсил лойиҳаси;

- наshr этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (камида 3 та мақола ва 2 та тезис);

- паспорт нусхаси;

- илмий ютуқлари (Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси ҳужжати нусхаси);

Докторантурага (DSc) ва стажёр-тадқиқотчиликка кириш учун суҳбат ҳамда таянч докторантурага (PhD) ўқиш учун талабгорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрганилган хорижий тил) бўйича кири

## Ер ва осмондаги барча нарсалар муаллим ҳақида истиффор айтади

Устоз-мураббийлар жамият эртанги кунининг бунёдкорларидир. Эл-юртнинг моддий ва маънавий тараққиёти уларнинг меҳнати ва жамиятнинг уларни нечоғлиқ қадрлашига боғлиқ.

Динимизда ҳам устоз-муаллимларнинг ўрни юқори баҳоланади. Аллоҳ таоло Ка-ломи шарифида устозга қандай муомала қилиш кераклиги ҳақида Мусо алайҳиссалом тилидан бундай дейди:

“Мусо ўз шеригига (шогирди Ювшаъ ибн Нунга): “То икки денгиз қўшилидиган ерга етмагунча ёки узок муддат кезмагунча уни ахтаришдан тўхтамайман”, деган пайтини эсланг.”

Айрим уламолар ушбу оятдаги (хукубан) сўзини “бир замон”, яъни саксон йил, деб тафсир қилган. Оят замирида ишора қилинган энг муҳим ва алоҳида эътиборга молик маъно шуки, илм талабидида инсон ўзи таълим олишни истаган олим кишини унга ҳурмат юзасидан бир умр излашга тайёр бўлиши кераклигидир. Шунингдек, устозга қандай муомала қилиш лозимлигини қуйидагича баён қилади: Мусо унга: “Сизга билдирилган билимдан менга ҳам тўғри йўлни таълим беришингиз учун сизга эргашсам майлими?”, деди.

Мусо алайҳиссалом ўзига берилган пайгамбарликка, алоҳида шарият илми соҳиб, алоҳида даражага эга бўлишига қарамасдан, илми ладуний ато этилган Хизр алайҳиссаломга тавозе билан айтган сўзларига, устозга қилаётган муомаласига эътибор қилинг. Биз ҳам устозларга ана шундай тавозе билан муомалада бўлишимиз, уларни қадрлашимиз лозим. Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саломнинг устозлар даражаси ҳақида қуйидагича марҳамат қилганлар: “Ердаги ва осмондаги барча нарсалар, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам инсонларга яхшиликни ўргатувчи муаллим ҳақида истиффор айтади”.

Ҳақиқа ердаги жонотлар ва осмонлардаги фаришталар мағфират сўраб турган кишининг даражасидан зиёда мартаба борми?! Халқимизда “Устоз отангдек улуг”, деган нақл бор. Зеро, фарзанднинг комил инсон бўлиб воғга етишида ота-онанинг тарбияси нечоғлиқ аҳамиятли бўлса, унга таълим бериб, ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳтарам устозларнинг ўрни ҳам шунчалик беқиёс-дир. Устозлар ота-оналаримиз каби бизнинг ўсиб камолга етмоғимиз учун бутун умрини,



бор билим ва тафаккурини бахшида этган зотлардир. Шу сабабли, бизда фарзандни устозга шогирдликка бериш чоғида “Эти сизники, сўяги бизники”, деб айтилган.

Шеърят мулкнинг султони Алишер Навоий устознинг мақоми ва мартабаси ҳақида бундай дейди:

*Агар шогирд шайхулислом,*

*агар қозидур,*

*Агар устоз андин розидур,*

*Тангри розидур!*

Демак, киши инсон эгаллаши мумкин бўлган даража ва мансабларнинг энг олийсига етса ҳам, устозни норизо қилиб, унинг назаридан қолган шогирд ҳаётда ўз ўрнини топиши жуда мушкул. Урф-одатларимизга кўра, одатда фарзанд устозга нафақат илм олиш, балки одоб ўрганиш учун ҳам берилган ва шу тариқа устоз-мураббий мавқеи улуг даражага кўтарилган.

Шундай экан, устоз ва мураббийларни доим ҳурмат-эҳтиромда туттиш, кўрганда салом бериб, ҳол сўраш, хизмати бўлса, бажариб, дуоларини олиш ва ҳақларига дуо қилиш, ҳузурида беодоблик қилиб қўйишдан сақланиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.


Мамлакатимизда ҳар йили 1 октябрь сана-си “Ўқитувчи ва мураббийлар кун”и сифатида умумхалқ байрами тарзида ўтиши азиз ва меҳри дарё устоз ва мураббийларимизга халқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтиромининг яққол намунаси.

**Нодир ҚОБИЛОВ,**  
**Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази илмий ходими.**

**Кўшработлик Исомиддин Музрапов Самарқанд давлат университетини тамомлаб, ўқитувчилик фаолиятини бошлаган 2009–2010 ўқув йилида мактаб таълими тизимидаги шароитларни эсга олди.**

У пахта йиғим-терим мавсумидан кейин бошқаларга ўрناк бўлган ҳолда устозлик қилиш учун мактабга келди. Ёшлик шижоати билан ишга киришишга бел боғлаган ўқитувчининг шаштини сўндирадиган тўсиқлар учрайверди: костюм-шимда кўчаларни ободонлаштиришга мажбур бўлди. Баъзан ўқитувчилик касбини танлаганидан афсусланди ҳам.

– Ўқувчиларга тайинли дарс ўтлоганимдан виждоним қийна-либ, киш кунлари кўшимча тўғра-раклар ташкил қилишга ҳаракат



## Энди бўр ва латтадан фойдаланмаяпмиз

қилдим, – дейди И.Музрапов. – Сабаби, мен таълим берган ўқувчиларнинг аксарияти олий ўқув юртига киришни хоҳлардим. Аммо бу истагим ҳам кўп йиллар амалга ошмай келди. Чунки “шпаргалка” ва бошқа йўللар билан ўқишга кираётган ёшлардан билимли абитуриентларга ўрин тегмасди. Аксарият иқтидорли шогирдларим-

нинг қизиқиши бирдангина сўниб, ўқимишлиқдан мардикорликни устун билди. Хорижга ишлашга кетди.

Бугунги кунда шу каби кўпгина муаммоларга ечим топилди. Ўқитувчи фақат таълим бериш билан шугулланаяпти. Асосийси, улар учун барча шароитлар яратилган. Ҳатто чекка ҳудуддаги мактаб-

ларда ҳам интернет тармоғидан фойдаланишнинг имкони мавжуд. Замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, дарс ўтиляпти. Натижаси битирувчиларнинг олий ўқув юрталарига кириш кўрсаткичининг ортиб бораётганида кўринаяпти.

– 2010 йилда бор-йўғи 2-3 нафаргина шогирдим ўқишга киргани, – дейди Исомиддин. – 2021-2022 ўқув йилида мен раҳбарлик қилган 11-синфни 26 нафар битирувчи тамомлади. Уларнинг 13 нафари олий таълим муассасасига ўқишга кирди.

Кейинги йилларда яратилган қулайликлардан яна бир мисол, шу пайтгача ўқитувчимиз, ўқувчимиз, доскага ёзаётганда ёки ёзувни ўқираётганда топ-тоза кийимига доғ тегиб қолишдан чўчиб турарди. Энди эса бўр ва латтадан фойдаланмаяпмиз. Мактабимизга электрон доскалар келтирилган.

**Тўлқин СИДДИҚОВ,**  
**Бахтиёр МУСТАНОВ (сурат).**

## МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

*Инсон қаердан ва кимдан меҳр-мурувват кўрса, шу жойга ва шу кишига меҳри банд бўлади.*

*Жаҳл ўткинчи телбалиқдир.*

*Оиладаги жанжалда ғолиб бўлмайди. Аксинча, ундан болалар зарар кўради.*

*Изтироб энг яхши устоз ва сабоқдир.*

*Ҳикмат - ҳаёт дарахтининг мевалари, уни фақат эҳтли, ақлли кишиларгина “истеъмол” қила олади.*

*Сўз - амалнинг сояси, у амал билан гўзал. Ёмон сўз дунёни қилади вайрон, яхши сўз эса бағишлайди жон.*

*Сўз мазмуннинг ташқаридаги ифодасидир.*

*Одам бошига тушадиган қулфат ва бало-қазолар унинг нафси ва босадиган қадамидан бошланади.*

**Чори ҚЎНГІРОВ,**  
**меҳнат фахрийси, маориф аълочиси.**

**Шоҳсанам Улуғмуродова 2005 йилда Иштихон туманида туғилган. Олти йилдан буён армрестлинг спорт тури билан шугулланиб келади. Ёш бўлишига қарамай, Ўзбекистон ва Осиё чемпиони, жаҳон чемпионатида кумуш медал соҳибаси, халқаро турнирлар совриндори бўлган.**



## Ютуқларимда устозимнинг ўрни беқиёс

– Эришган ютуқларимда устозим Нодира Бекмирзаеванинг ўрни беқиёс, – дейди Шоҳсанам. – 2019 йилда у кишига шогирд тушиб, илк бор армрестлинг бўйича Ўзбекистон чемпионлигини кўлга киритганман. Шундан кейин терма жамоага қабул қилиндим ва илк марта Қирғизистонда ўтказилган Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлдим. Ўшанда мендан ҳам кўпроқ мураббийим хурсанд бўлганди. У кишидан нафақат спорт сирларини, балки ота-онанинг, юртнинг қадрига етишни, мақсадим йўлида ҳеч қачон чекинмасликни ўргандим. Айниқса, мусобақаларда энгилган пайтим “Ҳеч қачон руҳингни чўқтирма, сен ҳали ёшсан, олдинда мусобақалар кўп, ўз устингда ишлашинг керак”, дея далда бериб, кўллаб-қувватлайди.

Шу кунгача у кишининг маслаҳатларига амал қилиб, кам бўлганим йўқ. 2020 йилда ўсмирлар ўртасида Австрияда ўтказилган Осиё кубогига ва 2021 йил Руминиянинг Бухарест шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида кумуш ҳамда жорий йилнинг апрель ойда Самарқандда ўтказилган Осиё чемпионати-

да бронза медалларини кўлга киритдим. Ҳозир жорий йилнинг октябрь ойда Туркиянинг Анталия шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраямиз. Насиб этса, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, жаҳон чемпионлигини кўлга киритаман.

– Шоҳсанам терма жамоага қабул қилинган бўлса-да, доим бирга машғул олиб борамиз, мусобақаларга ҳам биргаликда тайёрланамиз, – дейди спортчининг мураббийи Нодира Бекмирзаева. – Аксарият спортчилар терма жамоага қабул қилингандан кейин мураббийини алмаштиради. Лекин Шоҳсанам ундай қилмади, “Биргаликда жаҳон чемпионлигини кўлга киритамиз”, дейди. У шогирдларим орасида тиришқоқлиги ва интилувчанлиги билан ажралиб туради. Машғулларда хато қилмасликка, кўпроқ ўз устида ишлашга интилади. Шоҳсанам ҳали мактаб ўқувчиси, шунга қарамай, тинимсиз меҳнати эвазига ота-онаси ва бизнинг ишончимизни оқлаяпти, у билан фахрланаман.

**Ф.РЎЗИБОВЕВ.**

## Сўзлашадиган қўллар

Шундай таълим даргоҳлари борки, у ерда ўқитувчилар дарсларни имо-ишоралар орқали ўтади. Мана шундай таълим даргоҳларидан бири Самарқанд шаҳридаги 61-сон қар ва заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган махсус мактаб-интернатдир.

Бугун таълим даргоҳида 375 нафар бола таҳсил олмақда. Ўқувчилар мактабга 1-синфдан қабул қилиниб, оддий мактабда ўқитиладиган дастурлар сингари дарслар олиб борилади. Жорий йилда мактаб битирувчиларидан 7 нафари олий таълим муассасасига ўқишга кирган. Мактаб-интернатда 90 нафар ўқитувчи ва 60 нафар тарбиячи-педагоглар таълим-тарбия беришмоқда.

Мактаб директори Гуляра Эргашева 41 йилдириқ, шу муассасада фаолият олиб бормоқда.

– Тошкентдан Самарқандга келин бўлиб тушганман, – дейди Г.Эргашева. – Мутахассислигим таржимон. Бу бўйича бироз муддат ишлаганман. Ишлаган одам уйда ўтира олмас экан. Ўша вақтда декрет таштилида эдим, болам кичкиналиги тўғрисида ярим кун бўлса ҳам ишлай деб шу ерга ишга кирдим. Вақт ўтиб сур-



допедагогликка ўқидим. Шу касбда мен ўзимни топдим.

Мактаб-интернатда кутубхоначи, котиба, тарбиячи, боз бухгалтер, ўқитувчи, директор ўринбосари вазибаларида меҳнат қилдим. “Дарахт бир жойда кўкаради”, деганларидек, мана, 21 йилдан буён директор лавозимига ишлаб келмоқдаман. Ишимни ва болаларни яхши кўраман, уларга ўрганиб қолганман. Сурдопедагогикнинг

ўзига яраша қийинчилиги бор. Худди чет тилидек янги нимадир ўрганади болалар. Имо-ишора орқали қўллар гапиради.

Гуляра опа ҳар бир гапида ўқувчиларини “қизим”, “ўғлим”, “болаларим”, дейди. Ўқувчилари ҳақида сўрса, тўлқинлиб кетади. Болалар ҳам опага ана шундай меҳр кўрсатади, уни ўз оналари, оналарини яхши кўраман, уларга ўрганиб келдим.

**Муниса ШАМСИЕВА.**

**Жомбой тумани 23-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич таълим фан ойлиги муносабати билан “Бошланғич таълим фан ойлигида инновацион дарслар ва тадбирлар” мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

## Ойликнинг энг намунали мактаби

Семинарда ташкил этилган очиқ дарсларда ўқитувчилар ўзаро тажриба алмашди. Айниқса, 1-синф ўқитувчиси Наргиза Давронова, 2-синф ўқитувчилари Меҳри Саттарова, Дилфуза Салехова, 3-синф ўқитувчиси Ойдин Гадовева ўтган очиқ дарслар тумандаги ёш мутахассислар учун маҳорат дарси бўлди.

Ойдин Гадовева ва Дилфуза Салехованинг дарслари туман миқёсида оммалаштиришга тавсия этилди. Тумандаги 23-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич таълим фан ойлиги туманда энг намунали, деб эътироф этилди.

Тадбирда 56-мактабдан келган бошланғич синф ўқитувчилари ўртасида “Заковат” интеллектуал ўйини ташкил этилди. Жамоалар уч гуруҳга бўлиниб, билимларини синовдан ўтказди.

Шунингдек, 1-4-синфлар ўртасида “Мен ва онам спортчи” спорт мусобақаси бўлиб ўтди.

**Дилноза АБДИЕВА.**

## Ўқитувчиларнинг иш ҳақи қанча?

**Халқ таълими вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар билан биргаликда халқ таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий таъриф ставкаларини қуйидагича белгиллаган:**

Олий малака тоифали ўқитувчилар 3 550 412 сўм, биринчи малака тоифали ўқитувчилар 3 212 842 сўм, иккинчи малака тоифали ўқитувчилар 2 883 271 сўм, олий маълумотли ўқитувчилар 2 575 372 сўм, ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар 2 407 368 сўм маош олади.

Агар олий малака тоифали ўқитувчи кўшимча 10 фоиз устама олса,

маоши 3 905 453 сўм, 20 фоиз устама олса, 4 260 494 сўм, 30 фоиз устама олса, 4 615 535 сўм, 40 фоиз устама олса, 4 970 576 сўм бўлади.

Бундан ташқари, олий малака тоифали болалар мусиқа ва санъати мактаби ўқитувчиси 2 707 724 сўм, халқ таълими барча турдаги муассасаларнинг тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методисти) 3 550 412 сўм, умумий ўрта турдаги муассасалар психологи, “Меҳрибонлик” уйлари ва болалар шахарчалари психологи 2 811 927 сўм маош олади.

**Ақбар САПАРОВ,**  
**вилоят халқ таълими бошқармаси молиявий таҳлил ва режалаштириш бўлими бошлиғи.**

**MUASSIS: Samarqand viloyati hokimligi**

**Bosh muharrir: Farmon TOSHEV**

Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyat boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 16 463 nusxada chop etildi. Buyurtma 641. Hajmi 4 bosma toq, bichimi A-2

**Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.**

**QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56**

**BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61**

**MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursunov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.**

Gazeta «Zarafshon» tahririyatining kompyuter bo'limida sahifalandi.

«Noshir lux» MCHJ bosmaxonasida chop etildi.

**Korxonalar manzili:** Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uy.

Bosishga topshirish vaqti: soat 18:30 da.

Bosishga topshirildi: soat 19:00

**Navbatchi muharrir:**

**G'.HASANOV.**

**Navbatchi:**

**Y.MARQAYEV.**

**Sahifalovchi:**

**B.ABDULLAYEV.**



Saytimizga o'tish uchun QR-kodini telefoningiz orqali skaner qiling

ISSN-201667X



Sotuvda narxi kelishilgan holda